Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 10 ноябрь • Чоршанба • № 124 (14152) تركستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Илгари хабар қилинганидек, 5 ноябрь куни республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, уюшмалар, корпорациялар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари қатнашди.

Мажлисда республикада иқтисодий ислоҳотнинг бориши ва халқ хўжалиги тармоқларининг тўққиз ойлик иш якунлари, давлат бошқарув идораларига сарфланадиган бюджет маблағларини қисқартириш, корхоналар ва ташкилотларнинг зарар кўриб ишлашини бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар муҳокама қилинди.

— Республикамиз иқтисодиётининг тўққиз ойлик кўрсаткичлари халқ хўжалигида барқарорликка эришаётганимиздан, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши умуман тўхтатилганидан, ҳал қилувчи тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайганидан далолат бермоқда, — деди Бош вазир А. Муталов мажлисни очиб, — Натижада 1992 йилнинг тўққиз ойига нисбатан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1 фоиз, миллий даромад 0,2 фоиз, саноат маҳсулотининг умумий миқдори 2,5 фоиз, қишлоқ хўжалигида эса 7,6 фоиз ўсди. Нефть, газ қазиб олиш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, машинасозликда асбоб-ускуна тайёрлаш суръатлари анча юқори бўлишига эришилди.

Лекин бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ўзгаришлар, афсуски, кўнгилдагидек эмас. Кўпгина ҳокимлар, тармоқ раҳбарлари янги мулкдорларга қулай шароит яратиш ўрнига уларнинг ривожланишига тўсиқлар қўймоқда, эски муносабатларни сақлаб қолишга уринмоқда. Хусусан, қишлоқларда ташкил этилган 14 минг фермер хўжалигидан ярмигина ўз ҳисоб рақамига эга, холос.

Марказий муассасалар — Молия вазирлиги, Марказий банк, «Ўзшартномасавдо» «Ўзистиқболстат», Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси, «Ўздавжамғарма» бу масалаларда бир ёқадан бош чиқариб ишламаяпти. Шунинг учун ҳам бугун амалга оширилаётган ўзгаришларни, эришилган натижаларни батафсил таҳлил этиб, айниқса мавжуд муаммолар, тўсиқлар ва уларни бартараф қилиш борасида фикр-мулоҳаза юритсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси молия вазири Э. Боқибоев, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси бошлиғи Ш. Гатауллин, Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов, Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Нуралиев, Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзовларнинг ана шу масалалар юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Мажлисда республика Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Асосий мавзуга ўтишдан олдин сизлар билан бир муҳим масала хусусида гаплашсак, — деди Президент. — Даладаги ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш лозим. Ҳозир пахта терими масаласида кимгадир айб қўйиш, эътироз билдиришнинг ўрни эмас, балки вазиятни тўғри тушуниб, қийинчиликларга бардош бериб, деҳқоннинг кўнглини кўтаришимиз даркор. Ҳозир далаларда кўпчилик пахта терими билан банд. Ёмғир ёғяпти. Ана шундай шароитда ишлаётганларни рағбатлантириб, уларга имконият яратиб беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Бу ерда ҳокимлар ўтирибди, биз улардан пахтанинг нега бу қадар кеч етилгани сабабини сўрашимиз мумкин, лекин, таъкидлаб ўтишим кераки, бу масалада деҳқонларни эмас, мутасадди раҳбарларни айбласак тўғри бўлади. Пахтакор меҳнатини биламиз, пахтани териш ва ўстиришда ҳаммамиз қатнашганмиз. Бугунги қийинчиликларни тўғри тушунадиган раҳбарларга мен миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган олимларимиз нега пахтанинг янги-янги навини яратмаяптилар? Мен Қашқадарёда ишлаган вақтимда шундай пахта навлари бўлар эдики, 30-35 йил мобайнида такрор-такрор экилаверарди. Ҳозир ҳар қайси хўжалик хоҳлаган навини экяпти. Ҳануз бу масалада ягона давлат сиёсати йўқ. Такрор айтаман: ким нима хоҳласа, шуни экяпти, кимки шунинг орқасидан фойда кўраётган бўлса, ўшанинг усули қўлланмоқда. Натижада биз 170 кунда етиладиган пахта навини экяпмиз. Балки бу Бухоро шароитига мосдир, лекин Тошкент ва Самарқанд шароитини, Фарғона вилоятини кўринглар. Бу минтақалар иқлимига мос навларни ҳам чиқарсак бўлади, лекин нега чиқармаяпмиз? 170 кун, бу — тахминан 6 ой дегани. 1 апрелда экилган пахта қачон пишиб етилади, ноябрдами? Уни очилганидан кейин териб олишга ҳам вақт керак. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозир 600 минг тонна пахта далада ётибди, бу, ахир, халқимизнинг ризқ-рўзи, насибаси эмасми? Нимага бу масалада масъулият ва жавобгарлик йўқ? Исроилдан, Америкадан мутахассислар келяпти. Нега уларнинг тажрибасидан фойдаланмаймиз? Бир марта ёмғир ёки қор ёғса, пахтанинг сифати пасаяди. Пахта бўлса бас, териб оламиз, деган гап тўғри эмас. Пахта етиштиришга масъул олим ва мутахассисларимиз ҳам масъулиятни ҳис этиши керак. Майли, 25 центнер бўлса ҳам, лекин даромад берсин, қилинган меҳнатдан фойда келсин.

Янги мавсумга пухта ҳозирлик кўришимиз, ҳар бир минтақанинг иқлими ва шароитига қараб, деҳқонлар билан бамаслаҳат, қаерга қайси навни экишни ҳозирдан ўйлашимиз зарур. Сўнгги ҳосилни қабул қилиб олишда пахта тозалаш заводлари ҳам деҳқонларга тазйиқ ўтказмасин. Ҳар хил баҳоналар билан пахтакорларимизни овораю сарсон қилмасин. Прокуратура ҳам бу масалага эътибор бериши керак. Пахтанинг навини пасайтириш осон, аммо деҳқоннинг косаси оқаришини ким ўйлайди? И. Жўрабеков бошчилигида алоҳида комиссия тузилишини таклиф қиламан. Бу муаммоларни ана шу комиссия одилона ҳал этсин.

Ислоҳот масаласида ўзимизга хос ва мос йўлни ишлаб чиқдик. Шароитимизга, урф-одатларимизга, хусусиятларимизга монанд мақсадларни аниқлаб олганмиз, деди Ислом Каримов. Эндиги асосий масала амалий ишга ўтишдир. Ана шу тўғрида жойлардаги мутасадди ўртоқлардан, масъул раҳбарлардан сўраш вақти келмадимикан? Ҳар қайси вазир ёки ҳоким ўз масъулиятини аниқлаб олиши керак. Мен боя Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидовга савол бериб, вилоятда иқтисодий ислоҳотни ўтказиш дастури тузилганми, деб сўрадим. Чунки қишлоқ хўжалигидан тортиб, маиший хизмат, саноатда ислоҳотни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар ва кўрсаткичларни аниқ белгилаб оладиган пайт келди. Лекин вилоятларда бу борада ҳеч қандай дастур йўқ. Ҳар қайси соҳанинг ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган дастури бўлиши шарт. Вазирлар Маҳкамаси буни қаттиқ назоратга олиши, талаб қилиши ҳамда бу масалада тартиб ўрнатиши зарур.

Биз сўнгги сессияда ислоҳотнинг устивор йўналишлари ҳақида батафсил гаплашган эдик. У китобча бўлиб чиқди. Энди ҳокимлар ва бошқа мутасаддилар бу масалаларни муҳокама қилиб, улардан тегишли хулоса чиқаришлари лозим. Баён этилган таклиф ва тавсиялардан ҳар бир корхона ўзи учун хулоса чиқариши даркор.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ПУЛ МУОМАЛАСИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Давлат банки ва Россия банкининг 1961—1992 йилларда чиқарилган қоғоз пуллари собиқ СССРнинг кўпчилик мамлакатлари ҳудудида муомалада бўлиши тўхтатилганлиги муносабати билан ҳамда республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва пул муомаласини барқарорлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Бундан буён, 1993 йилнинг 9 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг алоҳида фармойиши чиққунга қадар СССР давлат банки ва Россия банкининг 1961—1992 йиллар нусхасидаги нақд рубль қоғоз пулларининг аҳоли томонидан омонатларга қўйишида қуйидаги тартиб ўрнатилсин:

доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мавжуд омонатларини бир йўла 200 минг рублдан ошмайдиган миқдорда тўлдиришга, қўйилган омонатлари бўлмаган тақдирда эса шунча миқдорда янги омонатни қўйишга ҳақлидирлар. Иш ҳақи, пенсиялар, алиментлар, стипендиялар ва нафақаларнинг тушумлари бўйича нақд пулсиз ўтказилган маблағлар уларда ҳисобга олинмайди. Жамғарма банкининг муассасалари омонатчининг паспортига киритилган омонат тўғрисида белги қўяди, бу эса ходимнинг имзоси ва муҳр билан тасдиқланади;

— 200 минг рублдан ортиқ бўлган омонат маблағлари алоҳида махсус фоизсиз ҳисобга қабул қилинади ва бу омонатлар 6 ой муддатга улардан фойдаланиш ҳуқуқисиз тўхтатиб қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ва жамғарма банки алоҳида махсус фоизсиз ҳисобга қўйилган нақд пул маблағларининг манбалари тўғрисида тақдим этиладиган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва кейинчалик улардан фойдаланиш тартиби ҳақида бир ҳафта муддат ичида таклифлар киритсинлар.

3. Жамғарма банкининг маҳаллий муассасалари Ўзбекистон ҳудудида пропискада турмаган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмаган шахслардан омонатларни қабул қилиб олиши тақиқлансин.

4. Республика Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қўшимча кўрсатмаларини олгунга қадар янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ҳамда банк муассасалари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга янги счётлар очиш тўхтатиб турилсин.

5. Кўзда тутилаётган тадбирлар муносабати билан банкларга ва хўжалик юритувчи субъектларга чакана савдода ва пулли хизматлар соҳасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барча шаклларидан кенгроқ фойдаланиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ушбу қарор қатъий ижро этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминласинлар.

7. Мазкур қарор билан республика аҳолисини кенг кўламда таништириш учун у оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, банкларнинг барча муассасаларида осиб қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Кўкчатов вилояти ҳокимлиги вилоятнинг барча меҳнаткашлари номидан шахсан сизга, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич ва қардош ўзбек халқига 1993 йил ҳосилини йиғиб-териб олишдаги ёрдам учун ташаккур ва астойдил миннатдорлик изҳор этади.

«Ўзавтотранс», «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» корпорацияларининг 1500 дан ортиқ ҳайдовчиси икки ой мобайнида меҳнаткашларимиз билан елкама-елка туриб, вилоятнинг ғалла карвони йўлларида тинимсиз меҳнат қилди. Ўзбекистонлик ҳайдовчиларнинг жонбозлиги ва юксак маҳорати ноқулай об-ҳаво шароитида ўрим-йиғимни бир маромда ўтказиш ва улкан Кўкчатов хирмонини уйиш имконини берди.

Мустақил давлатларимиз ўртасидаги тарихий дўстлик ва ўзаро кўмак урфи халқларимиз бахт-саодати йўлида бундан кейин ҳам давом этиб, ривожланиб бораверишига ишончим комил.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, сизга чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, тинчлик ва осойишталик йўлидаги фаолиятингизга равнақ тилайман!

Н. ИСКАЛИЕВ,
Қозоғистон Республикаси Кўкчатов вилояти ҳокими.

Пул муаммоси

ҲУКУМАТНИНГ БУГУНГИ КУНДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ ЙЎҚ

ВИКТОР ГЕРАШЧЕНКОНИНГ ФИКРИЧА, ШУ САБАБЛИ РОССИЯ МАРКАЗИЙ БАНКИ БИЛАН ҲУКУМАТ ЎРТАСИДА КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР МАВЖУД

— Виктор Владимирович, ҳукуматнинг айрим вакиллари билан сизнинг ўртангизда айрим келишмовчиликлар борлиги маълум. Ҳукумат, у олиб бораётган сиёсат ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ҳа, бахтга қарши ҳозир ҳам айрим келишмовчиликлар бор. Бу келишмовчиликлар хусусийлаштириш, МДҲ мамлакатлари билан муносабатлар ва бошқа айрим масалаларда намоён бўлмоқда. Очиғини айтганда, ҳукумат бугунги кунда фалокат юз берганда ёрдамга келадиган техник ходимлар, ўт ўчирувчиларга ўхшаб ишламоқда. Унинг ҳеч қандай иқтисодий сиёсати йўқ. Биз нимага эришмоқчимиз? Иқтисоднинг қайси соҳалари биз учун етакчи бўлмоғи лозим? Янги мулкдорлар, янги бошқарув тизими пайдо бўладими? Хўш, биз мулкни бўлиб беряпмиз. Бу ҳол «Серп и молот» заводида ишлаётган пўлат қуювчининг ўз ишига муносабатини ўзгартирадими?

— Англашимча, пул-кредит сиёсати масаласида қизғин баҳслар бўлган шекилли!

— Ҳукумат май ойида пулнинг қадрсизланишини ойига 10 фоизга тушириш мўлжалланган пул-кредит сиёсатининг айрим йўналишлари ишлаб чиқилгани ҳақида баёнот берган эди. Биз ҳозир шу иш билан шуғулланиб, икки чорак

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛАР ҲАШАРИ САМАРАЛИ ЎТДИ

Мустақил Ўзбекистоннинг ўз Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги тобора яқинлашмоқда. Бу кун биз учун шунчаки бир сана сифатида эмас, балки истиқлолнинг, озод, демократик ва қонун устивор бўлган давлат ташкил этишнинг ўзига хос тантанаси сифатида ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳозир жойларда бу кунни, қолаверса, бош Қонунимизни бутун моҳияти ва жилолари билан ўрганишга қизиқиш катта.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси Конституциямиз қабул қилинганлигининг бир йиллигига атаб ёшларнинг пахта ҳашарини ташкил қилиш ташаббуси билан чиққанди. Бу ташаббус жойларда зўр қониқиш ва масъулият билан кутиб олинди. Чунки мустақил давлатимизнинг қанчалик қад ростлаши, ўз оёғида мустаҳкам туриши кўп жиҳатдан миришкор деҳқонларимиз етиштирган пахтани нест-нобуд қилмай ўз вақтида териб олишга боғлиқдир. Буни чуқур англаган Ёшлар Иттифоқининг жойлардаги ташкилотлари ҳашарни ўтказиш барча тадбирларини бекаму-кўст амалга оширишди. Об-ҳавонинг ноқулайлигига қарамай, имкон бор жойларда ҳашар юксак савияда ўтди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва вилоят ташкилотлари жонбозлигида теримчиларга руҳан мадад бўлиш учун концерт бригадалари, ижодий гуруҳлар ҳашарчилар ҳузурида бўлишди. Жойларда шу куни алоҳида намуна кўрсатган ёшларга Марказқўмнинг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Иш эса эътиборга яраша самарали бўлди. Ёшлар ҳашарида юз минглаб йигит-қизлар иштирок этишди. Биргина Андижон вилоятида шу куни 1 миллион 600 минг сўмлик пахта ёшлар кучи билан териб олинди. Навоийлик ёшлар 1 миллион 300 минг сўмлик иш бажардилар. Бошқа жойларда ҳам шу атрофдаги кўрсаткичларга эришилди. Биргина Хоразм вилоятининг ўзида 60 мингдан ошиқ ёшлар шу куни пахтазорда бўлишди. Бундай мисолларни яна кўп келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг ташаббуси жойларда тўла-тўкис маъқулланди ва ёшлар бу ташаббусга «лаббай» деб жавоб беришди. Зеро, Ватан равнақи, мустақиллик камоли йўлида қилинган меҳнат ҳеч маҳал зое кетмайди. Буни ёшларимиз яхши англашади.

ВИЖДОН АМРИ БИЛАН

Ташаббуснинг қаноти бор дейдилар. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси 6 ноябрда давлатимизнинг бош қонуни — Конституциямиз қабул қилинганлигининг бир йиллигига бағишлаб «Барчамизнинг ўрнимиз пахтазорда» шиори остида ёшлар ҳашарини ўтказиш ташаббуси туманимиз йигит-қизларини ҳам бефарқ қолдирмади. Бу чақириқ барча вилоят пахтазорларида меҳнат қилаётган ёшлар қатори бизнинг ёшларимизни ҳам руҳлантириб юборди.

Деҳқонларимиз баҳорнинг серёғин кунларида, айни ёз жазирамасида қуёшнинг тиғида меҳнат қилиб, бугунги ҳосилни етиштирдилар. Кузнинг ҳар бир куни ғанимат. Терим мавсуми долзарб паллага кирган шу кунларда бу ташаббуснинг қиммати жуда беқиёсдир. Буни туманимиз ёшлари дилдан ҳис қилдилар. Чунки далаларимизда ҳали ҳосил мўл. Шанба куни ўтказилган ҳашарда туманимизнинг ўн минггa яқин ёшлари жонбозлик кўрсатдилар. Шу куни ишлаб топилган 600 минг сўм эса туман Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ҳисобига ўтказилди.

Жайнар ТЎЙМУРОДОВ,
Жиззах вилояти, Зафаробод тумани ҳокими муовини.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАХТАКОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Республикамизнинг залворли хирмонига 315 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкиб, улкан ҳисса қўшганингиз — йиллик маррани эгаллаганингиз билан самимий қутлайман!

Қорақалпоғистон Республикаси жаҳондаги пахта тайёрланадиган энг шимолий минтақа ҳисобланади. Оролбўйи тупроғида сиз эришаётган ютуқлар чинакам меҳнат жасорати, Ватанга, элга садоқат намунасидир. Истиқлолимизнинг тарихий кунларидаги фидойи саъй-ҳаракатингиз билан гўзаллашаётган бу диёр қорақалпоқ замини қудратига, мамлакатимизнинг буюк давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишида ўзининг бебаҳо моддий ва маънавий бойликларини янада кўпроқ инъом этажагига ишончим комил.

Сизларга, азиз биродарларим, сиҳат-саломатлик, омонлик, бахту саодат, эзгу мақсад йўлидаги хайрли ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз биродарлар!

Эришган улкан меҳнат зафарингиз муборак бўлсин!

Сизлар саховатли Сурхон заминида 400 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етиштириб, ватанимиз хазинасига муносиб ҳисса қўшганингиз, айниқса, ғоят қимматбаҳо ҳисобланган ингичка толали дуру жавоҳирнинг салмоқли хирмонини бунёд этганингиз билан қадимий воҳа пахтакорларининг шижоати, мардлиги ва фидойилигини яна бир карра намойиш этдингиз.

Истиқлолимиз бахш этган бебаҳо кунларда эришган бу ғалабангиз она юртимиз иқтисодий равнақининг юксалиши, дастурхонимиз қут-баракасини ошириш йўлида қўйилган ғоят қутлуғ ва шарофатли қадамдир.

Сизлар барча соҳаларда ҳам 1993 йилни муваффақиятли якунлайсизлар, аниқ асосланган режалар билан сидқидилдан меҳнат қилиб, Озод Ўзбекистонимизнинг буюк, мустаҳкам, гўзал мамлакат бўлишига ҳисса қўшаверасизлар, ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, бахт-иқбол тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ғ. ТОШМАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси миллий мусиқа санъатини ривожлантиришдаги, ёш созанда ва хонандаларни тарбиялашдаги алоҳида хизматлари ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компанияси «Дуторчи қизлар» дастасининг бадиий раҳбари бастакор Ғанижон Тошматов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 8 ноябрь.

ҚУДРАТЛИЛАР ҲАМ МАЙДОНГА ТУШДИ

Қардош Туркия Республикасининг «Имбат — Фуарчилик» компанияси «Ўзэкспоцентр»да 9 ноябрь куни ташкил этган навбатдаги саноат ва савдо-сотиқ кўргазмаси тили бир, дили бир, дини бир, тарихи муштарак икки мамлакат ўртасида давом этаётган изчил муносабатларнинг мевасидир. Дарвоқе, турк ишбилармонлари аввал ташкил этган кўргазмалардан фарқли ўлароқ, буниси Туркия Республикасининг Европа ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликда тузган қўшма корхоналари томонидан уюштирилгандир. Қирққа яқин қудратли компаниялар ва хусусий корхоналар иштирок этаётган ушбу кўргазма 13 ноябрга қадар давом этади. Бугун эса кўргазма баробарида турк-ўзбек ишбилармонларининг анжумани ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

(Ўз мухбиримиз).

Шу сонга хабар

НАЙ НАВОСИДА «САЙҚАЛ»

Куни кеча Баҳор концерт залида Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон давлат академик Халқ чолғу оркестрининг янги 1993—1994 йилги концерт мавсумининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Кечани Ўзбекистон Бастакорлар Уюшмасининг аъзоси Тўлқин Қурбонов очиб берди. Сўнг концерт дастури намойиш этилди. Томошабинларга айниқса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Мирза Тоиров найда ижро этган «Сайқал» ўзбек халқ куйи, биринчи Республика мақомчилар конкурсининг лауреати Маҳрижон Бекжонова томонидан ижро этилган ўзбек классик қўшиқларидан Навоий ҳамда Зебунисо сўзи билан айтиладиган «Муножот», «Самарқанд ушшоғи» қўшиқлари манзур бўлди.

М. ДАМИНОВА.

ЧИҚИТДАН — ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Андижон ёғ-мой комбинатида ёғ кислоталарини тозалаш жараёнида пайдо бўладиган чиқитдан автомашиналар шинасини тайёрлашда ишлатиладиган «Б» ва «В» маркали олеин кислотасини ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

Шунингдек, корхонада суюлтирилган совуннинг «Анди-1» ва «Анди-2» турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ҚИЗИРИҚ ТОЛАСИ — ГОЛЛАНДИЯГА

Қизириқ тумани пахта тозалаш заводи жамоаси яқинда Голландияга янги ҳосилдан 700 тонна пахта толаси жўнатди.

Корхона раҳбари Эшбой Усмоновнинг сўзига қараганда, хорижий давлатларга тола жўнатиб, валютани кўпайтириш, бунинг эвазига ускуналар сотиб олиш ва ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш кўзда тутилган.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ерда қишлоқ хўжалигининг устун йўналишлари тўғрисида гап борди. Молия иқтисод ва барқарорлаштириш сўзларини бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кўп ишлатяпмиз. Ҳар қайси тармоқнинг хусусиятига қараб ислоҳот йўлини белгилаш мумкин. Одамларни озиқ-овқат, тоза сув ва табиий газ билан таъминлаш, ҳаётий эҳтиёжларини қондириш масаласи охир оқибатда қишлоқ хўжалигига тақалади. Қишлоқ хўжалигини ҳар жиҳатдан барқарорлаштирмасдан бу ишларни ҳал этиб бўлмайди. Ҳаммамиз шуни тушунамиз-у, лекин ҳисоботларни эшитиб, киши қониқмайди, кўп масалалар қоғозда қолиб кетмаяптимикан, деб ўйлайсиз. Ислоҳот юзаки ўтмаслиги керак. Қайси соҳа ва қайси вилоятда бўлмасин, бу масала билан жиддий ва узлуксиз шуғулланиш лозим.

Бу ерда ҳисобот берган ҳокимлар билан савол-жавобдан шу нарса аён бўлдики, қишлоқ жойларида саноат корхоналари ташкил этишга етарли эътибор берилмаётир. Ҳолбуки, шундай қилсаккина ҳаётимизда ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Андижонда бир дона тухум — 130 сўм, ғишт — 250 сўм турса! Бу нима дегани? Ёки вилоятга 42 фоиз тухумнинг четдан олиб келинаётганига қандай чидаш мумкин? Ғишт заводи қуриш шунчалик қийинми? Андижонда товуқ боқишнинг иложи йўқми? Ёки Сурхондарёда картошка, дон етиштириб бўлмайдими? Ахир, бу ўша ернинг ўзида ҳал этилса бўладиган масалалар-ку.?

Ҳокимлар, каттаю-кичик раҳбарлар халқнинг турмушидан, қандай кун кечираётганидан эртаю кеч хабардор бўлиши, аҳолининг таъминотини жой-жойига қўйиши керак.

Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларини олсак, уларда уриниш — умуман олға ҳаракат бор. Бу ишларда вилоят раҳбарларининг ташаббускорлиги, ҳиссасини кўриш мумкин. Қарор ёки қонун чиқариш билангина иш битмайди, улар оддий фуқаро онгига етиб борса, одамлар ундан манфаатдор бўлсагина қутилган натижа чиқади. Баъзи бир раҳбарларнинг галини эшитсангиз, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ёки фармойишини бажардик, дейди кўкракка уриб. Биз асосий йўналишларнигина белгилаб беришимиз мумкин. Шуни бажариш билан мақтаниш эса, бу — эски тузум сарқити, аксинча, раҳбар дегани ташаббус кўрсатиши, катта-катта ишларни бошлаши, одамларнинг бу борадаги интилишини жонлантириши керак. Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмоновни мисол келтирсак, у ҳар бир ишни бошлашдан олдин маблағ манбаини қидиради, ҳужжатини қима билан қоплашни ўйлайди. Сурхондарёда эса уни қуриб беринг, буни беринг, дейишдан нарига ўтилмаяпти. Қилинаётган ишлар, йўналишлар, ҳулосаларни, шу билан бирга муаммо ва камчиликларни ҳам айтиш зарур. Одамлар қалбида ислоҳотга ишонч туғдиришимиз ва уни мустаҳкамлашимиз керак. Шуни шиор қилиб олишимиз лозимки, буйруқ, тазйиқ билан ислоҳотни олға силжитиб бўлмайди. Изланиш, ташаббускорлик, яна такрорлайман, ташаббускорлик зарур.

Одамлар ҳокимларни ҳимоячиларимиз деб сайлайди, бу қуруқ гап эмас. Бир ҳоким сайланганидан кейин маълум вақт ўтади, халқ унинг фаолиятини ташаббускорлик ва жонкуярлик эвазига амалга оширган ишлари билан баҳолайди. Бу гап вазирларга ҳам тегишли. Одамларнинг назарида сиз қилган ишлар қандай кўринади — шуни унутманг!

Ишлагандан кейин, албатта, камчилик ҳам бўлади. Фақат савобли ишларни, ташаббускорликни қўлдан бермаслик керак. Эски қонунларга ёпишиб олиш ярамайди. Меҳнаткашларга елкадош бўлиш, нафс ва шахсий фойдани эмас, балки халқни ва жамиятни ўйлаб ишлаш керак. Мен Президент сифатида ана шундай ташаббускорлик билан ишлайдиганларни ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қилишга тайёрман. Ташаббускорларга кўмак бериш, зарур бўлса, давлат маблағидан уларга имтиёзли кредитлар ажратиш керак. Савдо, маиший хизмат соҳаларида ишлайдиганларни рағбатлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш лозим.

Савдодаги хусусийлаштирилган дўконларни оладиган бўлсак, сир эмас, жойлардаги маъмурий орган ходимлари, айрим ҳокимликда ишлайдиганлар ўшалар ҳисобидан тирикчилик қилиб юрибди. Бир ташаббускорни ўнтаси пойлаб туради. Бизнинг қонимизда шу нарса борки, бировга озгина ваколат ва ҳуқуқ берилдими, ҳеч кимни тан олгиси келмайди, юқоридан келганларга таъзим қилиб, қўл остида ишлайдиганларга тазйиқ ўтказади. Бу хусусда кўплаб мисол келтириш мумкин. Тафтиш ўтказиш йўли билан зўравонлик қиладиган идораларга кўпайиб кетган. Хизмат соҳаларини текширишни фақат битта ташкилотга топшириш ҳақида фармон тайёрланиши керак. Фақат солиқ бошқармасига ана шу ҳуқуқни бераниз, фақат шулар текширади. Бошқалар, жуда зарур бўлса, республика Прокуратураси ёки Ички ишлар вазирлигининг қароридан кейин текширсин. Ана шунда эркинлик пайдо бўлади, тартиб ўрнатилади, ишимизнинг самараси кўринади.

1994 йил халқ хўжалигини ривожлантириш масалаларини ҳозирдан пухта режалаштиришимиз керак. Молия вазирлиги катта, республика тақдирига дахлдор масалалар билан шуғулланиши лозим. Корхоналарнинг молиявий жиҳати билан ҳам ҳокимликлар шуғуллансин. Бу борада вилоят раҳбарларига эркинлик бериш керак, деб ўйлайман. Даромадларини тасарруф этишда ҳам мустақил равишда иш тутсинлар. Хўжалик ишларига, тадбиркорлик янада кенг қулоч ёйишига ёрдамлашишимиз, солиқларни қайта кўриб чиқиб, рағбатлантириш масаласини ўйлашимиз даркор. 1994 йилда бирорта ҳам зарар кўриб ишлайдиган корхона бўлмаслиги керак. Ёқилғини тежашда жиддий чоралар кўрмасак бўлмайди. «Ўзистиқболстат» четдан келадиган хомашёни қисқартириш масаласини ҳал этсин. Жойларда бу соҳада тартиб йўқ. Айниқса, қишлоқ жойларида шахсий машиналар жамоа ва давлат хўжаликлари ҳисобидан ёқилғи оляпти. Уни тежаш масаласига мутлақо эътибор берилмаяпти. Ёқилғи билан таъминлашда озгина узилиш бўлса, барча иш тўхтаб қолади. Нефть маҳсулотларини олиб келиш жуда қимматга тушмоқда. Бошқа республикаларнинг бу борадаги аҳволи ниҳоятда оғир. Ўзбекистонда, шукрки, узилиш йўқ, лекин тартиб бўлиши лозим. 4 миллион тонна нефть маҳсулотини олиб келиш учун 600 минг тонна пахта толаси беряпмиз. Унинг ярмини тежасак ҳам катта фойда олардик, чет давлатларга — валютага сотар эдик.

Шундан кейин Ислом Каримов республика аҳолисини тўлқинлантираётган муаммо — пул, миллий валюта масаласига батафсил тўхталди. Бу борада кўрилаётган чора-тадбирларни билишга халқимиз маҳтал, деди Президент. Мазкур масалани атрофлича муҳокама этишни таклиф қилганимга сабаб шуки, бу борада кўп фикрлар бор. Бизнинг олдимизда учта йўл турарди. Шулардан биринчиси — Россиянинг 1993 йилги янги пулидан фойдаланиш эди. Биз охирги сессияда ҳам бу масалани халқ депутатлари билан муҳокама қилган эдик. Маълумки, 7—9 ойдан бери «рубль минтақаси»да қолишга ҳаракат қилиб келдик.

Аввало, нима учун биз мустақил давлат бўлатуриб, миллий валютага ўтмасдан «рубль минтақаси»да қолишга интилдик, деган савол туғилади.

Шуни тўғри тушуниш зарурки, сиёсий мустақиллик, бу — ҳали иқтисодий мустақиллик дегани эмас, унга эришиш учун анча вақт керак. Иқтисодий мустақил бўлиш учун халқ хўжалиги тизимларини бутунлай ўзгартириш лозим бўлади. Четдан олиб келинадиган озиқ-овқат, дастгоҳлар, хомашё миқдорини камайтириш тақозо этилади. Биз 60 фоиз хомашёни Россия ва бошқа давлатлардан келтирамиз. Чет мамлакатлардан келадиган сармояларни ишга солиб, хомашё етказиб бераётган минтақадан тайёр маҳсулот чиқарадиган мамлакатга айлансаккина иқтисодий мустақилликка эришамиз. Айниқса, ёқилғи масаласида биз Россияга боғланганмиз, дастгоҳлар, ёғоч, темирни ҳам ўша ердан олиб келамиз. Эски тизимнинг сиёсати шундай эдики, Ўзбекистонда бир завод қурилса, бутловчи маҳсулотлар юзлаб жойдан келтирилар эди. Тошкент трактор заводи, авиация заводи бунга мисол бўла олади. Алоқалар узиладиган бўлса, 35—40 минг киши ишсиз қолади. Коммуникация, юк ташиш масаласида ҳам фақат шимол билан боғлайдиган темирйўлимиз бор. Агар вазият ўзгарса, аҳволимиз нима бўлишини кўпчилик тушунади.

Миллий валютани муомалага киритиш, илгари айтганимдек, инқилоб билан тенг. Ўзбекистоннинг ўзига хос сиёсатига содиқ қолиб, ҳозирги оғир пайтда халқимиз бошига яна бир қийинчилик тушмасин, дея «рубль минтақаси»да қолишга ҳаракат қилган эдик. Бу Россия раҳбарларига, мутахассисларига ҳам тушунтирилган, битим ва шартномалар имзоланган, Россия Президенти, Бош вазири ва мутахассислар билан келишилган эди. Лекин бу ҳаракатларимиз кутилган натижани бермади.

Мазкур масалада бир неча марта учрашув бўлди. Биз, ахийри, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан «Бу масаланинг чеки-чегараси борми ўзи» деган саволни кўндаланг қўйдик. Кейин улар ҳукумат аъзоларини тўплаб, шу масалани кўриб чиқиб, шартларини айтди. Улар, хабарингиз бор, матбуотда эълон қилинди. **Биринчидан**, улар бизга керакли рублни давлатлараро қарз сифатида бермоқчи. Нақд пул билан ёки пулсиз алоқалар учун 1,5 триллион рубль берилса, демак, биз шунга яраша бойлик ёки маҳсулот тўлашимиз керак. **Иккинчидан** эса, пулни олишдан аввал унинг 50 фоизи миқдоридаги АҚШ доллари ёки Ўзбекистон олтинини гаров тариқасида Россия Марказий банкига қўйишимиз лозим экан. Бундай талабга ким кўнади? Ўзбекистон олтини баъзи бир кимсаларнинг тинчини бузаётгани, уларга уйқу бермаётгани аниқ. Бу бориб турган андишасизлик эмасми? Эртанги кунимизнинг замини ва ризқ-насибамиз бўлмиш олтинимизни нима учун уларга қоғоз пул эвазига берар эканмиз? **Учинчи шарт** шуки, ўзлари бизни шу пайтгача таъминлаган 1961-92 йилги пулларни янги 1993 йил намунасидаги пулга 3 сўмга 1 сўм нисбати билан алмаштириб беришар экан. **Тўртинчидан**, шартноманинг бирон моддаси бажарилмай қолса, биз яна товон пули тўлашга мажбур эканмиз. Илгари МДҲ кенгашида давлатлараро ягона банк бўлишига келишиб олган эдик. Россия раҳбарлари буни ҳам инкор этиб, **бешинчи шартни** қўйишди. Унга кўра, Россия Марказий банки барча масалада ҳукмронлик қилар, Ўзбекистон Марказий банки уларга қарам бўлиши, ҳисобот бериши керак эмиш. Бизларни ана шундай ноилож аҳволга туширишга ҳаракат қилишди.

Иккинчи йўл — 1961-92 йилги пул намунасини ҳозирча ишлатиб туриш. Шундай қилишимиз мумкинми? Албатта, йўқ! Чунки Россия ва айрим қўшни давлатлар миллий валютасига ўтиши оқибатида республикамизга кўп миқдорда эски рубллар оқиб кела бошлади. Шундай вазиятда биз пештахталаримиз бўшаб қолишига йўл қўймаслигимиз керак. Четдан келганлар миллион-миллион сўмлик молни қандан оляпти? Сурхондарёда, Хоразмда шундай ҳоллар бор. Айрим сотувчилар нима учун виждонини ҳам пуллаб юборяпти? Нимага бу борада жавобгарлик йўқ? Дейлик, четдан одамлар ўз манфаатини кўзлаб келади. Лекин ўзимизнинг одамларга нима бўлган? Буни қандай тушуниш керак?

Бундан чиқадиган хулоса шуки, қандай бўлмасин, **учинчи** йўл — ўз миллий пулимизга ўтишимиз керак.

Миллий валютамизга ўтишда баъзи бир масалаларни ҳал этмоқ керак. Биринчидан, ҳалол топилган пулни халқимизга тўлиқ алмаштириб беришимиз лозим. Одамларнинг харид имкониятларини ҳисобга олиб, зарар етмайдиган қилиб, нарх-навонинг кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг эҳтиёжини тўла қондиришимиз керак. Мавжуд ижтимоий ҳимоя тизими — ночор оилаларга, талабаларга, қарияларимизга берилган имтиёзлар сақланиб қолади. Эски пулни алмаштиришда шов-шувсиз, узоқни кўзлаб, зарур ишларни амалга оширишимиз, жорий этилаётган ўз валютамизни мол билан таъминлашимиз даркор. Халқимизга кундалик молларни етказиб беришда узилишга йўл қўйиб бўлмайди. Олиб келинадиган ва олиб кетиладиган моллар нисбатини бизга мақбул тарзда ўзгартириш учун бир-икки йил вақт керак бўлади. Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ нефть конларини ишга туширсак, ўзимизни ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаймиз. Лекин эртага бизга нефть бермай қўйишса, нима қиламиз, ким билан боғланамиз? Мана шу саволларга олдиндан чора кўриб қўйиш зарур. Кимки шу юртнинг ватанпарвари бўлса, бу ҳақда бош қотириши керак. Ўзбекистоннинг манфаатини ўйлаб, оғир масалаларни ечишда елкадош бўлишимиз даркор. Нефть маҳсулотларини тежаш тўғрисида ҳали бежиз гапирмадим.

Коммуникация — темирйўл, автомобиль ва ҳаво йўллари, газ тармоқлари демакдир. Уларнинг фаолияти ҳам диққат марказида бўлиши керак. Бизда катта-катта корхоналар, самолёт ва трактор ишлаб чиқарадиган заводлар бор. Уларнинг таъминоти чет билан боғлиқ. Владимир ва Ярославлдан маҳсулотлар оламиз, улар билан ҳисоб-китоб қилиш учун эса берадиган маҳсулотимиз тайёр бўлиши лозим. Токи, биз уларга эмас, улар бизга муҳтож бўлсин. Бу —энг муҳим масала.

Биз бу борада ён қўшнимиз — Қозоғистон билан биргалашиб ҳаракат қиламиз. Дастуримизни биргалашиб ишлаб чиқсак, менимча, тўғри бўлади.

Бу ерда айтилган гапларни тўғри тушуниб, аҳолини ваҳимага солмасдан, мишмишларсиз иш тутишимиз даркор. Биз ҳар доимгидек, ўз ваъдамизнинг устидан чиқамиз. Оғир пайтда жипслашиб, аҳил бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳамма масалаларни ҳал қиламиз. Иншооллоҳ, халқимизни қийнаб қўймаймиз. Ўзбекистонда доимо тинчлик ва барқарорлик бўлишига эришамиз.

Биз 1993 йил якунига кўра, ички ва ташқи сиёсатда катта ютуқларга эришдик, — деди Президент пировардида. — Ким қаерда ишламасин, бундан фахрланиши керак. Биз бошқалардан фарқли ўлароқ, келажагимизни аниқ ва равшан кўряпмиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон илғор, мутараққий мамлакатлардан бири деб дунё миқёсида тан олиняпти. Чет эллик тарихимизнинг теранлигини эътироф этмоқда. Жаноб Миттераннинг республикамизга берган баҳосини эшитдингиз. Улар бугунги ва эртанги имкониятларимизни ҳисобга олиб, биз билан ҳамкорлик қилмоқда. Ҳар қайси раҳбар ўзининг ишига ва фаолиятига шу нуқтаи назардан ёндашмоғи керак. Эртанги кунга ишонч билан ҳаракат қилсак, муддаомизга етамиз. Иншооллоҳ, ҳамма эзгу ниятларимиз рўёбга чиқади.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Шу кунинг муҳим воқеалари

ҲУКУМАТНИНГ БУГУНГИ КУНДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ ЙЎҚ

(Давоми. Боши 1-бетда).

якунларини таҳлил қилиб, шунга амин бўлдикки, биз барча лимит ва шартларни бажардик, аммо ҳеч қандай натижа йўқ. Бу ўринда большевиклар ҳақ бўлиб чиқяпти. Пулнинг қадрсизланиши фақат пул билан эмас, монополия билан ҳам боғлиқ экан. Биз иқтисодиётни бошқариш, нарх белгилашнинг янги механизмларини қидиряпмиз, аммо нарх-навонинг барча тармоқларда турли тарзда сакраб кетаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Транспортда нархнинг ўсиши бундан кейин барча тармоқларга таъсир кўрсатади ва бозор биздан яна пул сўрайди. Пул бермайдиган бўлсак, нақдина масаласида инқирозга юз тутамиз — буни илгари ҳам бошдан кечирганмиз. Биз тўртинчи чорак лимитларига чидашга ҳаракат қиламиз, аммо буни уддалашимизга унчалик кўзим етмайди.

— МДҲ мамлакатлари бўйича келишмовчиликлар нимадан иборат?

— Биласизми, мени бир масала қийнаб келади. Ҳукумат МДҲ мамлакатлари билан алоқаларнинг ёмонлашиши ёки бутунлай узилиши жиддий оқибатларга олиб келишини ҳис қилмаяпти. Бундан ташқари, МДҲ мамлакатларидан келтириладиган айрим маҳсулотларсиз яшашимиз қийин. Рангли металлар, пахта ана шу маҳсулотлар жумласидандир. Вазирлар Маҳкамасидаги ҳамкасабаларим биз қўшниларимиздан ҳомашё олиб, уларга устама нарх қўйган ҳолда тайёр маҳсулот (жумладан, бошқа ҳеч кимга керак бўлмаган машинасозлик материаллари ҳам) етказиб бераётганимизни унутиб қўяяптилар. Ҳар қандай бозор четга мол чиқаришни тақозо қилади. Биз молимизни МДҲ мамлакатларидан бошқаларга чиқаролмаймиз. Хўш, шундай экан, нега иқтисодий қонунчиликни, пул-кредит сиёсатини бошқариш мураккабликларидан қўрқишимиз керак? Менга гоҳида мана, сен чайқовчилик билан шуғулланяпсан, лекин жойлардаги русийзабон аҳолини ҳам унутмаслик керак, деб танбеҳ беришади. Каримов билан бир суҳбатимизда у: «агар сизлар мени миллий валютани жорий этишга мажбур қилсанглар (миллий, пулимиз тайёр), мен дарҳол жорий этаман, аммо бу қандайдир даражада русийзабон аҳолига энди республикани тарк этиш керак, деган ишора ҳам бўлади», деган эди. Албатта, русийзабон аҳоли ўзлари истиқомат қилиб турган жойларни бирданига тарк этмайди, лекин Россия уларни қабул қилиб олишга тайёр аҳволдами?

— Сиз республикалар ўртасидаги иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириб бўлади, деб ўйлайсизми?

— Биз республикалар билан уларнинг бюджет камомади қанча, бу камомад миллий даромаднинг қай ҳиссасига тўғри келади, деган масалалар бўйича музокара олиб борадиган бўлсак, улар ўзларингизда аҳвол қалай, деб сўраши турган гап. Шунда биз нима деб жавоб берамиз?

— Бирон-бир тайинли жавобни кўрмаяпман.

— Бу — мураккаб савол бўлади. Биз бундай саволни тугдирмаслик ҳаракатини қиляпмиз, албатта. Барибир, қанчалик мураккаб бўлмасин, бу саволга жавоб бериш мумкин. Аммо бугунги кунда бу савол иқтисодиётдан кўра, ижтимоий-сиёсий соҳага яқинроқлиги аён.

— Россия иқтисодиётида ижобий қолдиқ устун бўлиб турган ҳозирги шароитда республикалар ўртасидаги ҳисоб-китоб ишларни қандай боряпти?

— Иккинчи ярим йилликда 800 миллиард сўм кредит бериш мўлжалланган эди. Менимча, ҳозир 200 миллиард сўм ўтказилган. Молия вазирлигида 400 миллиард сўмда тўхташ керак, деган фикр бор. Гумаштализм ҳисоби тизими қолиши зарур, албатта. Хўжалик фаолиятига эга ташкилотлар тижорат тизимларининг гумаштализм ҳисоби орқали ҳисоб-китоб қилишлари керак. Назаримда, бу ҳол ҳозирги шароитда Россия валютасига эҳтиёжни сақлаб қолади. Ҳозирги номутаносиблик янаги йилда камайиши мумкин, аммо унинг қандайдир қисми барибир сақланиб қолади. Демак, муаммони бартер — мавзоа усулида ечишга мажбур бўлинадики бу — бозор табиатига мутлақо зид ҳодисадир.

— Молия вазирлиги билан сизнинг ўртангизда бу хусусда ҳам келишмовчиликлар бўлганми?

— Ҳа, вазирликда менга МДҲ мамлакатларини «кредитлар билан боқаётганимиз»ни тушунтириб қўймоқчи бўлишган. Аслида эса, бу кредитлар маълум давлатлараро битимларда кўзда тутилган. Биз бу ишда ўзбошимчалик қилаётганимиз йўқ. Тўғри сиёсатни амалга ошириляпмиз холос. Ҳисоб-китобларга ва МДҲ мамлакатларидаги корхоналарнинг Россиядан қарзига нисбатан ўта қаттиқ муносабатлар шунга олиб келдики, бу корхоналар иккинчи чоракда шартнома ва битимларни бузиб, ғазнасидаги нақдинани маошга сарф қила бошлади. Ҳатто шундай ҳоллар юз бердики, гумаштализм ҳисобида пули бўлмаган корхоналар ходимларига бошқа йўллар билан ҳақ тўлай бошлади. Бу эса, бизнинг пул ислоҳотимиз атрофидаги ҳар хил шов-шувлардан қатъи назар, бу ислоҳот тўғри эканини кўрсатади. Агар биз Қозоғистон билан рубль ҳудудида ёлғиз қолганимизда, пулга кўмиб ташлашган бўларди.

— Ислоҳот пайтида чегарадан кўп пул ўтдими?

— Мен бундай демаган бўлардим. Аммо ўзингиз биласизки, бу — анча мавҳум гап бўлади. Чунки, «келгинди» пулларни нарх-навога қараб аниқлаш мумкин. Пулнинг у ёқдан бу ёққа кўчиб юриши табиий ҳодиса. Бу ҳодиса собиқ Иттифоқ даврида ҳам мавжуд эди, ҳозир ҳам мавжуд. Одамлар ўнғай жойда пул ишлаб топишарди-да, бу пулни сарф қилиш учун Россияга, Украинага ёки бирон курортга борар эди. Ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, уч триллион сўмнинг 1,3—1,4 триллиони (ислоҳотгача албатта) бизнинг ҳиссамизга тўғри келади. Биз эса 1,8 триллион пул йиғиб олдик. Бундан кўриниб турибдики, августнинг иккинчи ярмида Россияга ташқаридан анчагина пул оқиб келган.

— Сиз ислоҳот кескинроқ ўтганини эътироф этмайсизми?

— 1961 йилда пул алмаштиришга уч ой ажратилган эди. Аммо одамлар уч ярим ҳафтадаёқ барча эски пулларини топшириб бўлишди. Шунинг учун ҳам, биз бу гал пул алмаштиришга икки ҳафта етади, деб ўйлаган эдик. Лекин икки ҳафтадан кейин эски пуллар қабул қилинмайди, деганимиз йўқ. Икки ҳафтадан кейин жамғарма кассалари пул қабул қилмай қўйишди. Биз эса ҳозир ҳам қабул қиляпмиз, яна бир йил давомида қабул қиламиз. Аслини олганда эски пулларни йиғиб олишдан мақсад аён, ислоҳот МДҲ мамлакатларига қарши қаратилган эди. Бу — сиёсат. Эҳтимол, мен бу тўғридаги фикримни Ельцинга яширин хат орқали баён этишим мумкиндир, бироқ, радиога чиқиб жар сололмас эдим-ку ахир! Умуман олганда ислоҳот солиқ тўламайдиган, банкда ҳисоби бўлмаган ташкилотлар учун катта қийинчиликлар туғдирди. Шунинг учун ҳам улар шовқин-сурон кўтардилар. Бизнинг молия вазиримиз ҳам нимага ҳафа бўлганини (аслида тўғри хафа бўлган эди) ўзи яхши билмайди. Бу масалаларнинг барчаси ҳукумат раёсатида муҳокама қилинган эди. Шуни ҳам айтиш керакки, бу гап-сўзлар МДҲ мамлакатлари учун ҳали эшик очиқ, деган ишора эди. Хасбулатов эса ўзини бегуноҳ кўрсатди. Аслида мен унга айтган эдим. Гап шундаки, мен эртаси куни масала моҳиятини бутун тафсилоти билан тушунтириш учун унинг ҳузурига бораётганимда машинамга телефон қилишиб, Вазирлар Кенгаши раёсати йиғилишига чақириб қолишди.

— Марказий банкнинг валюта бозоридаги сиёсатида ўзгариш бўлдими? Яқин ўртада рублнинг аҳволи қандай кечиши мумкин?

— Биз долларга нисбатан пулнинг қийматини бир маромда ушлаб туришни асосий вазифа деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда деярли ҳар куни у ё бу йўсинда ҳаракатлар қилиб турибмиз. Рублнинг қиймати бир оз пастга —1250, 1300 га тушиши мумкин. Бозордаги аҳвол, унинг талабини доимий равишда кузатиб бориш даркор. Бу ўринда ўтган йилнинг охирида кўпчилик ташкилотлар ўзларининг ярим йиллик ва йиллик муаммоларини ҳал қилиш учун (солиқ тўлаш керак-ку ахир) орқа-олдига қарамай рубль сотиб олишга тушганини, натижада долларнинг қиймати ҳам пасайиб кетганини унутмаслик лозим.

— Марказий банк келажакда рубль қийматининг ошиши ёки пасайиши ҳақида тўла тасаввурга эгами?

— Тасаввурми, тахминанми? Унисига ҳам, бунисига ҳам эга эмасмиз. Мен пул қийматининг ошиб ёки камайиб бориши ҳақида тахмин қилишни фол очиш, деб биламан. У ёки бу валюта қийматининг ошиши ёки тушиши ҳақида фикр юритиш мумкин бўлган бир неча омил бор, албатта. Аммо бу омиллар барқарорлик вазиятида ҳамда узоқ муддат назарда тутилганида иш беради.

— Ўтган йили фунт стерлингнинг қиймати тушиб кетганидан фойдаланиб, миллиардлар ишлаб олган Сорос амсолини эсласак-чи!

— Мен сизга бошқа бир мисол келтирай. 1967 йилда бизнинг раисимиз Англияга сафар қилган, Лондон банкларида бўлиб, фунтнинг қиймати ўзгармайди, деб ҳисобот ёзиб келган эди. Янаги ҳафтадаёқ фунтнинг қиймати тушиб кетди. Раисимиз кўча-кўйдаги гапни эмас, салмоқли фикр айтган нуфузли мутахассислар билан суҳбатлашган эди ахир.

— Тўланмаган қарзлар ҳозир ҳам энг асосий муаммолардан бўлиб қоляптими?

— Биласизми, ҳозир тўланмаган қарзлар муаммоси анча жўнлашган, халқ хўжалигидаги ёмон ҳисоб-китоб тизимининг бир бўлаги бўлмай қолган. Биз ўзимизнинг ҳисоб-китобларни яхшилаш борасидаги вазифамизни бажариб бўлдик, деб ҳисоблаймиз ва Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Нью-Йорк федерал захира банки билан ҳамкорликни такомиллаштиришни давом эттиряпмиз. Янаги йил ернинг сунъий йўлдоши орқали ўрнатилган алоқага эга бўлиш ниятимиз бор. Жиддий муаммолар бўлишига қарамасдан, иш меъёрида боряпти. Муаммолар эса қисман иқтисодиёт, қисман банк тизими билан боғлиқ. Ҳозир 90 фоиздан ортиқ ҳисоб-китоб аванс (бўнак) тўлови шаклида бўлмоқда. Бу эса — соғлом иқтисодий шароитда ақл бовар қилмайдиган гап. Бу ҳолни ҳамкорликдаги ишончнинг қатъий эмаслиги (масалан, бир корхона ўзининг ҳамкори бўлган бошқа корхонанинг аҳволи эртага нима кечади, олган маҳсулотининг ҳақини тўлай оладими —билмайди) билан ҳам изоҳлаш мумкин, албатта. Табиийки, бу айниқса қийин аҳволда қолган, етарли даражада маблағи бўлмаган корхоналарни қашшоқлаштириб кўяди. Мавжуд ҳол банк тизилмалари фаол аҳамият касб этадиган ғарбдаги ҳисоб-китобларнинг янги тизимини қўллаш лозим, деган фикрга ундайди. Бу тизим харидорнинг сотувчидан мол ёки керакли ҳужжатларни олган вақтида ҳақ тўлашини кафолатлайди. Бу тизимга ўтиш сўзсиз соддалаштирилган кафолат шаклини эсга солади. Халқаро ҳисоб-китобларда кўпроқ қўлланиладиган ҳужжатли аккредитив тартиби ҳам шундай. Бизда эса асосий юклар темирйўллар орқали ташилгани учун табиий муаммолар туғилади — ҳеч ким сиздан молни қаердан олганингизни, унга ҳақ тўлаганмисиз, йўқми, ўзингизнинг молингизни олиб кетяпсизми ёки бировникиними — сўраб, текшириб ўтирмайди... Бу борада қиладиган ишларимиз кўп. Ҳозир эса қишлоқ хўжалиги тармоғида (жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида ҳам) харидор, савдо тармоқларининг ҳақ тўламаслиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Барча иш савдо тармоқларининг зўравонлик сиёсати асосида бормоқда, рақобат қиладиган тузилмалар йўқ.

— Ўтган йили тўланмаган қарзлар муаммосини ҳал қила олган эдинглар. Бу йил унга нима халақит беряпти?

— Ўтган йили картотека мавжудлиги туфайли бу муаммони аниқ тасаввур қилган ва уни ҳал қилиш механизмини топган эдик. Бу йил эса 2-картотека бекор қилингани учун тўланмаган қарзлар миқдорининг қанча эканини ҳеч ким билмайди. Давлат статистика комитети берган маълумотларга унча ишониб бўлмайди.

— Бу лавозимни эгаллаганингизда иш юзасидан қандай муаммолар бор эди?

— Дастлаб нақдина, миллий валютага бўлган эҳтиёжни қондириш ва пул таъминоти муаммоси бор эди — ҳал этилди. Кейинчалик ҳисоб-китоблар муаммоси кўндаланг бўлди. Бу борада ҳам иш анча ўнгланди. Ҳозир ҳисоб-китоблар тизимини замонавийлаштириш, компьютерлаштиришни кенг йўлга қўйиш, янги электрон тизимни жорий этиш муаммолари турибди. Пул—кредит сиёсатини ўтказиш, шу жараёнда банклар ишини назорат қилиш масаласи ҳам долзарб муаммолардан албатта.

— Марказий банк бинолари да мунтазам юз бериб турган портлашлар муаммоси-чи?

— Биласизми, эҳтимолки, биз қандайдир операция билан кимнингдир йўлини тўсгандирмиз. Портлатишга уринишлар бизнинг ана шу ҳаракатларимиз учун қасос олишга уриниш, деб ўйлайман. Портлаш юз берган жойда нималар сақланаётгани тўғрисида нотўғри хабар берилган. У ерда қачондир маълумотлар базаси бор эди. Аммо портлаш юз берган пайтда у ер омборга айлантирилган эди. Портлаш тўғрисидаги бор гап шу. Банкларни назорат қилиш масаласига қайтадиган бўлсак, ҳа, биз бу ишга алоҳида эътибор берамиз. Мунтазам маълумот зарур. Банк тизимининг маромида ишлашини таъминлаш учун маълум йўналишдаги банкларни, шубҳа уйғотадиган банкларни мунтазам текшириб бориш лозим бўлади. Улар билан Марказий банк ўртасидаги муносабатлар тизимини ҳам ишлаб чиқиш керак. Дарвоқе, шу ўринда бизга ҳукуматнинг ҳам ёрдами кераклигини айтиб ўтишим лозим. Чунки, Марказий банкдаги маблағнинг асосий қисми ҳукуматга имтиёзли ставкалар бўйича, ёки ҳукумат кўрсатмасига биноан халқ хўжалигига жами 85 фоиз маблағ махсус ставкалар бўйича берилади.

— Банк тизимининг бир маромда ишлаши учун нималар зарур, деб ўйлайсиз?

— Олдин айтганимдек, Марказий банкнинг бошқа банклар устидан аниқ назорат қилиш тизими йўқ. Тўла ишонса бўладиган аудитор кампанияларимиз ҳам йўқ. Бу — маълум даражада қарзлар масаласини ҳал этишни қийинлаштиради.

— Эсингизда бўлса, бу даврда банкларнинг оммавий тарзда синиш эҳтимоли масаласи ҳам кўтарилган эди...

— Ўзингиз кўриб турибсизки, бугунги кунда айрим банклар оғир моддий аҳволга тушиб қолган. Агар етарли даражада маблағ тополмаса, уларнинг баъзилари ўз-ўзидан тугаб кетиши мумкин. Аммо, энг муҳими — ёппасига синиш, барбод бўлишни Худо кўрсатмасин.

Иван ЗАСУРСКИЙ суҳбатлашди.

«Независимая газета»нинг 1993 йил 28 октябрь сонидан олинди.

ФОЙДА ҲИСОБИГА ҚУРИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАР

Андижондаги 162-қурилиш тресги 2511 автокорхона яқинида кўп хонали турар-жойни фойдаланишга топширди. Автомобилчиларнинг 32 оиласи кенг, шинам уйларга эга бўлди.

Ҳозир маҳаллий ҳокимиятнинг уй-жой қуриш имконияти кам. Шунинг учун ҳам, меҳнат жамоалари бу ишни ўз зиммасига олмоқда. Андижонлик автомобилчилар ўз имкониятларини ўрганиб чиқиб, ишлаб топилган фойданинг бир қисмини уй-жой қуришга сарфлашга қарор қилди. Келгуси йилда қурилиш тресги корхона фойдаси ҳисобига яна битта ана шундай 32 хонали уй барпо этади.

Андижон машинасозлик заводи ва трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоалари ҳам ўз маблағлари ҳисобига кўп қаватли уй-жойлар бунёд этишди.

(ЎзА мухбири).

ҲАШАРЧИЛАР ҲУЗУРИДА БИР КУН

«Ҳосил-93»

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг ташаббуқ гуруҳи Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ҳамда Оққўрғон туманларида меҳнат қилаётган шаҳарлик ҳашарчи-пахтакорлар ҳузурида бўлиб қайтди.

Туғи билан ёққан ёмғир далага йўлатмай қўйди. Шаҳарлик ҳашарчилар ҳам табиатнинг инжиқлигидан нолиб, бемаврид берилган «танаффус»дан афсусландилар. Ким китоб мутолаа қилишга, ким уйига бир энлик мактуб битишга тутинди.

Яхшиям Тошкентдан артистлар келиб қолди. Бўлмаса, зерикиб қолишарди.

— Хўжалигимиз пахта далаларида Чирчиқ

ҚИРҒОҚҚА СИҒМАГАН ЎЙИНЧИ

Ич-этингни кемираётган асаббузарликни бировга айтсанг енгил тортасан. Миянг бўшайди. Аммо ҳар дақиқада хаёлингни банд этган айрим беписандликлар борки, минг карра сўзлама, барибир кўнглингда тош бўлиб тураверади.

Айтмоқчи бўлганларим кимлар-гадир ҳасрат туюлса, кимгадир кўнгил тоши бўлиб урилар.

Тирикликнинг зийнати — байрам. Айёмда киши ўзини енгил ҳис этади. Ором олади. Ўйин-кулгидан ҳузур қиласан. Ўтмишимизнинг садоси бўлганидан Наврўз айёмида, айниқса, хаёлимиз, тилимиз, танимиз яйрайди. Аммо баъзи кишилар қилиғидан ўша кунлари касал бўлиб қолаёзганлар ҳам бор.

Уч киши бўлиб бир хўжаликка бордик. Ферма мудири чўпонларига Наврўз тантанасини қилиб бераётгани устидан чиқибмиз. Жой сой бўйига ҳозирланган. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Манзарамисан, манзара.

— Боримни тўкаман, — деди мудир ўтирганларга гердайиб. — Ҳақ бериш — биздан. Ейиш-ичиш — сиздан.

Шундоқ бўлдиям. Кўз олдимизда икки яшик ароқ келтирилди. Бошланди қийқириқ. Бошланди ичиш. Пайт пойлаб турган мусиқачилар ҳам ишга киришишди. Икки қўл ичилгач, даврага бир пахмоқ соч йўргалаб кирса бўладими. У ўйинчи экан. Ширакайф кўзларнинг унга суқланишини тасвирлаб бўлмас.

Хотин-халаж, бола-чақа ўтирибди. «Ўйна гулгинам, ўйна» қўшиғига ҳамоҳанг ҳолича ўйинчи муқом қилади-ей, қирғоққа сиғмайди. Буям озлик қилгандек, ҳали унинг тиззасига ўтиради, ҳали бунинг пинжига киради. Эвазига биров юз, биров беш юзталик қистиради, денг. Айримларни бир соат ичида ҳам тиззаси, ҳам чўнтаги яра бўлиб кетди-ёв.

Мудир эса сармаст. Ўйинчини қучоқлайди. Пул қистиради. Қулоғига бир нималарни айтиб қийқиради.

Қани энди уларга бу айём иффат, ҳаё, ибо, чин инсонлик байрамилигини тушунтириб бўлса!

Бошқа жойда хўжалик етакчисини фиғон устида кўрдим.

— Ўйинчи топиб келасан. Ўшангача тантаналарни бошламаймиз.

Ким чиқарган ўзи, халқ байрамларида отарчиларнинг беҳаёлик қилишигача имкон беришни? Ҳалиги — раис олдида бош эгиб турган киши ўйинчини қаердан топсин? Тиқилинч қилавергач, кўчадаги беҳаёни олиб келаверади-да.

Қани энди маъқул-манзур фармонлар қатори яна бири чиқса-ю, халқ байрамларида ичкиликбозлик, беҳаёлик, исрофгарчиликлар барҳам топса. Халқ байрамида халқнинг ўзи ўйин-кулгу қилса.

Қурбон АЛИ,
«Туркистон» мухбири.



СОЙ СОҲИЛИ СУЛИМ-СУЛИМ
СОЙ БЎЙИГА ТУШДИ ЙЎЛИМ...

Ш. ОЛИМОВ олган сурат.

Муҳаббатнома

АҲД

Ҳукмини ўқиди бешафқат йиллар,
Бизга аталгани ғам экан фақат,
На сенга зиёни хуш кўрди тақдир,
На менга қайрилиб боқди муҳаббат.
Сен унда, мен бунда бир юпанчга зор,
Кел, менинг қасосли кўзларимга боқ.
Гар улуғ жанг экан дунёда яшаш,
Биз ҳам қўлимизга тутайлик яроқ.
Майли, рақиблар ҳам бўлсинлар омон,
То улар бор экан ҳушёр турамиз.
Кел гулим, ўксима барибир бир кун
Армонлар кўксига ханжар урамиз.

Шуҳрат ҲАКИМОВ.

«ЯНА ҚАЙТИБ КЕЛАРМИКИН?!»

- «МЕН ЖУДА ҚИЙНАЛИБ КЕТДИМ...»
- «ЎЛИМ НАҚАДАР ДАҲШАТЛИ...»
- «УЛАР ЁМОН БЎЛГАНИ УЧУН МЕН ҲАМ ЁМОН БЎЛДИМ».
- «СИЗНИ ҚЎМСАЯПМАН».

«...Яна менинг ўзим сизга хат ёзаяпман. Ичим гапга тўлиб кетган, сиздан бошқа одамга дардимни айтгим келмаяпти. Сиз жуда бошқача сиз, бошқалар эса умуман мени тушунмайди, қайтага баттар бўл, деб кетишади. Мен сизга ишонаман, шунинг учун ҳам сизга ўзим хат ёзиб тураман. Ҳали бегоналарга бу ҳақда гапирмаганман-у, лекин барибир сизчалик бўлолмаса керак, деб ўйлайман. Сизни қанчалик соғинганимни билсангиз эди. Буни сизга ёзиб тушунтиролмайман.

Мен жуда ҳам қийналиб кетдим. Ҳаёт ўйинчоқ эмас экан, унинг баъзи бир қалтис ҳазилларига, қилиқларига бардош бериш керак экан. Сиз билан танишганимда жуда ҳам ёш бўлган эканман, (ҳали ҳам қариб қолганим йўғу, аммо кўп нарсани тушуниб етдим, лекин ўша пайтлар худди сиз айтгандек, энг беғубор, ҳаётимнинг энг ўчмас... бир лавҳаси дейдими, шунақа бўлган экан. Шу ёшга кириб, бошимдан ўтган анча воқеалар ичидан фақат сиз билан танишган, бирга бўлган кунларимни кўпроқ энтикиб эслайман, тўғрисини айтсам, жуда ҳам қўмсайман. Менинг бу ёзаётган сўзларим чин юрагимдан чиқяпти.

Эрим билан сал чиқишолмай қолдик. Сал эмасу, ажрашиб кетишимизга бир баҳя қолди-да. Мен энди у билан ҳеч қачон яшамасам керак, деб ўйловдим, унинг қандайлигини тасаввур қилолмайсиз. Ўша куни ёмғир шариллаб қуяётган эди, автобус йўқ. Қишлоғидан токи автовокзалгача пиёда келдим. Бу нарса ҳеч одамнинг ақлига сиғмайди-да, ўзи. Алам устида шунча йўлни қандай босиб келганман, билмайман. Бошим айланиб, кўзим кўрмай қолди, кўп ва тўхтовсиз юрганим учундир балки. Бурилишга етай деганимда бир қизил «Жигули»нинг тагига кириб кетаёздим. Ўлим нақадар даҳшатли бўларкан, энди ўлдим дегандим, бахтимгами, бахтсизлигимгами, ёнгинамдан пальтомни силаб ўтди, фақат, сал қолди-да. Машина ўтиб кетгач, ерга ўтириб қолибман. Кўчада яхшиям ҳеч ким йўқ экан. Қай аҳволда уйга кириб борганим тасаввур қилинг-а, пальтомнинг орқалари лой, кўзларим қизариб, шишиб кетган, рўмолим қийшиқ, этигимдан сув киргани учун пайпоқларим жиққа ҳўл, рангимда ранг йўқ, умуман, бир алфозда эдим. Уйимга етиб келдим-у, гапириб ҳам ўтирмай, ўзимни ташлаворибман...

Сизга айтгандим шекилли, акалариям қучоқлаб, ўпиб ўтиради эримни кўзича. Тоза жонимга теккач, «эркак киши эркакдай бўлиши керак, менга эмас, ўзингизни хотинингизга эрлик қилинг», дегандим, ҳаммаси шундан бошланди. Акаси мен билан ўчакишиб, отаонасига обдан ёмонлади. Она ҳам, ота ҳам, ука ва акалар ҳам шу акасининг, ўғлининг гапига киради. Мени уларга шунчалик ёмон қилиб қўйдики, амаким мени уйдан ҳайдашгача борди. «Мен сизни келин қилмайман дегандим, нега ўғлимга ялиниб тегдингиз, сизга унча пулим кетди, бунча нарсам кетди. Энди ҳаммасига чидайсиз-да, ўлдирсак ҳам, сўйсак ҳам бизники бўлгансиз, нима қилсак ўзимиз биламиз», дедилар. Мен ҳамма қийинчиликларга чидаб келганман, лекин ўша кунги шу сўзларига, уларнинг маломат гапларига чидай олмай, уйидан (қочиб десам ҳам бўлади, демасам ҳам) чиқиб кетдим. Мен кетаётганда ҳаммаси уйда эди, амаким мени ноҳақ ҳайдадилар, ноҳақ сўкдилар, ноҳақ қарғадилар. (Қон қусгур, қорнингга пичоқ қадалгур, ўлимингни кўрай...) Жанжал бўлган куни, «Кетинг уйимдан, яхши эр топиб олинг», деган сўзлари туфайли кийиндим-у, бир тийинсиз кўчага отилдим. Бирорта киши қайт орқангга демади, ҳаттоки эрим-ҳам. Орқамдан чиқса керак девдим, йўқ, чиқмади. Тупурган тупугимни яна ялаб олайми, деб орқамга қарамай кетавердим. Орқамдан қадам товуши эшитилса, эрим бўлса керак, деб жонҳолатда тез юраман-да. Мен уйдан кетган куни эрим тўйга кетганлар, маза қилиб ароқ ичганлар, мени ҳатто эсламаган ҳам, ноинсоф. Хуллас, шундай аламлар билан ўзимнинг қадрдон уйимга етиб келдиму таппа ташлабман. Онам бечорани аҳволини бир кўрсангиз, уйимизда меҳмонлар бор экан, меҳмон ҳам мезбон бўлиб кетди. Ўша ёқдан пиёда келганлигим учун оёғимни кўтаролмай қолдим. Оёғим таглари сув очиб, шишиб кетган. Ўзимга ўзим ачиниб кетдим, энди нима қилиш керак?! Шу куни иситмам 39,5 га чиқиб кетди. Врач чақиришди, қаттиқ шамоллаган деб касалхонага олиб кетишди. Касалхонанинг совуқ хонасига кириб баттар бўлдим шекилли, васажа қилиб яна иситмам кўтарилди. Ўлиб қолаёздим. тоза, ўша кеча ухлолмадим. Уч кундан сўнг эрим келди, уйга борган экан, отам киритмабдилар уйга. Қўшниларимиздан сўраб, билиб, мени касалхонага излаб келибди. Ўша пайт осма укол олаётгандим, кириб келди. Мени кўриб, ўзиям қўрқиб кетди. Мен олдинги Муҳтарам эмасдим, унга бир оғиз ҳам гапирмадим, ҳатто бетига ҳам қараганим йўқ, ярим соатларча ўтириб, кейин кетди. Шу кетганича ўн кун ўтди, яна келди. 13-14 кунлар ётдим-да, касалхонадан чиқдим. Уйга келди, киргизмадим уйга, йиғлаб, ялиниб, кечирим сўраб кейин ичкарига кирди. Отам, онам, акам, опаларим келиб қолишди. Улар менга ачиниб, эримдан роса аччиқланишганди. Ҳаммаси ҳар томондан гапириб уни роса уришишди. Опамлар «ҳали боланг йўқ бўлса, ажраш-да, қўй, бўлмаса бошидан бўлмайди. Шу туриши бўлса, сен азоб чекиб ўлиб кетасан» дейишди. Мен ҳам ўз фикрим билан «энди уйингга бормайман, агар мен керак бўлсам, бизнинг туманга кел, керак бўлмасам, бор, кетавер, йўлинг очиқ», дедим. У кетди, яна келди, ялинди, ёлворди... ишонмасангиз оёғимнинг тагидан ўпди ҳам, лекин барибир кетгим йўқ. Ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим, лекин яна «Шулар учунми, улар менга ким бўлибди, улар бунга арзимайди-ку» деб ўйлаб, фикримдан қайтдим. Одам яшаш учун курашиши керак экан. Улар ёмон бўлгани учун мен ҳам ёмон бўлдим. Уни-ку кўп югуртирдим, лекин ота-онаси келмагани учун ҳали ҳам бормай ўтирибман. Бошқа шаҳарга ишга кетмоқчимиз, биз шунга келишиб ярашдик. Энг яхшиси шундаки, уларнинг қишлоғида энди турмайман. Бугун кун пайшанба эрим мени бу ерга қўйиб, ўзи уйга кетди. Шанба куни келади. Қани энди келмаса, шуни кўрмасам. Ана шунақа гаплар. Хатим ҳам чўзилиб кетди жуда, айбга буюрмайсиз энди. Сизни жуда-жуда соғиндим, сиз-чи? Сиз ҳам соғиндингизми-а? Озми-кўпми, эрим ҳақида сизга гапиргандим, ҳали ҳам бир оғиз ширин сўзини эшитганим йўқ. Сизни қўмсаяпман. Қандай тушунасиз — билмадим-у, лекин мен очиқ кўнгиллик билан сизга бор сирларимни, дардларимни тўкиб-сочдим. Яна шу билан қачон хат ёзаман, номаълум».

ТАҲРИРИЯТДАН: Бу мактуб, тасодифан бизнинг қўлимизга тушиб қолди, табиийки, у ҳар қандай кишини ўйга толдиради. Негаки, унинг замирида бир оиланинг фожиаси ётибди. Сиз мактуб билан танишар экансиз, келинчакнинг ҳаётга енгил-елпи қарашини дарҳол фаҳмлайсиз. Аммо куёвнинг оиласи-чи? Унинг акалари-чи?

Модомики, шундай экан, таҳририят ушбу хатни нима учун эълон қилаяпти?, деб ҳайрон бўларсиз. Масала — ҳар биримизнинг ахлоқ мезонимизда, дунёқарашимиздадир. Шундай бебаҳо удумлари сақланган миллатнинг фарзандлари бугун нега энди бу каби фикр юритмоқда? Нечун кўнгли хиёнатга ошно? Нега у фожиага кўниккан?

Сизнинг нуқтаи назарингиз, муносабатингиз бизни қизиқтиради, азиз муштарий!

Рашксизлик — мунофиқлик аломати

ЁКИ БЎЙДОҚ ЙИГИТ БИЛАН СУҲБАТ

— Ҳурматли Асрор ука, яқинда сизни уйлантиришмоқчи экан. Бўйдоқлик ҳам ўзига хос бир давр-да, унинг қайси жиҳатларини ёқтирасиз?

— Қандай жавоб берсам экан. Бўйдоқликни йигитнинг энг гуллаган даври деб биламан. Бамисоли эркин қушсиз, хоҳлаган томонингизга учишингиз мумкин. Уйлангандан сўнг эҳтиёткор бўлишингиз даркор. Юриш-туришингизда қандайдир чегара бўлади. Аввалгидек энди кўча-кўйда қизларга гап отолмайсиз. Иложи борича ўзингизни узоқроққа олишга ҳаракат қиласиз. Акс ҳолда қанотингизни қайириб қўйишади.

— Келин бўлмишни севиб уйланяпсизми? Ёки ота-онангизнинг хоҳишига қарабми?

— Ҳаётда бор-у, лекин... Биринчи муҳаббатнинг бевафолиги рост экан. Севганим бошқага насиб этиб кетди. Нима ҳам дердик, унга ўкиниб-ўкиниб бахт тилайман.

Суйган қизимдан айрилганимдан сўнг, очиғи, менга ҳаётнинг қизиғи қолмади. Кейинчалик ўйлаб қарасам, бу вақтинча бир ҳолат экан. Уйдагилар келин қилишни хоҳлаган қиз ҳамқишлоғим. Ўзимча, ўйланиб қолдим. Шу пайтгача кўзим қаёқда эди? Шундай сулув қизлар туриб... Бекорга «муҳаббатнинг кўзлари сўқир» дейишмас экан.

— Хотинингиз рашкчи бўлса нима қиласиз? Сиз-чи, рашк қиласизми?

— Бу саволингизга Пайғамбаримиз Расули Акрамнинг муборак ҳадиси шарифларидаги қуйидаги сўзлар билан жавоб бермоқчиман. «Рашк имондандир. Рашксизлик — мунофиқлик аломатидир».

— Фарзандларингиз нечта бўлишини истайсиз?

— Ўзбекчилик ака, ўзбегим ҳовли тўлгунча фарзанд кўрсам, тўй қилиб эл-юртга ош берсам, қувончимни одамлар билан баҳам кўрсам дейди. Худонинг берганига шукр қиламиз.

— Ҳозирги кунда алҳамдулиллаҳ ҳаммамиз ўзлигимизни таниб, дини исломга қайтаяпмиз. Тўйни қандай усулда ўтказмоқчисизлар?

— Дўстларимга қолса «вечер» қилишим керак. Аммо, уйдагиларнинг, қолаверса, ўзимнинг бирдан бир ниятим, худо хоҳласа тўйни ота-боболаримиздан қолган урф-одат, расм-русм асосида ўтказмоқчимиз.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат. Асрор, агар рози бўлсангиз суҳбатни шу ерда тўхтатиб, тўйдан сўнг давом эттирсак.

— Майли...

Суҳбатдош Бахтиёр ТИЛЛАЕВ.

Бир рубобнинг икки тори

Кўпчилик муҳаббатни ўткинчи ҳис, ёш ўтган сари у ҳам унутилиб боради, деб ҳисоблайди. Мен ҳам очиғи ўшанда ёши қирқларни қоралаб қолган, тўрт фарзанднинг онаси: «Уни ҳали ҳам севаман», деб севган йигитини эслаганида ҳайратда қолган эдим. Бу аёлнинг исми — Нигора. У билан касалхонада танишгандик.

Бир куни Нигора опа қўлимдаги китобга ишора қилиб: «Муҳаббат ҳақидами?» деб сўради. «Ҳа», жавобини олгач: «Ҳеч тоқат қилолмайман шундай китобларга! Кўнгил қўйганингиз борми?» — деди. Довдираб қолдим-да, кейин: «Нима эди?», деб сўрадим.

— Ўзим шундай. Сизга ҳавасим келиб кетди, ҳаётни энди бошлаяпсиз, бизнинг ёшлик давримиз дарё сувидай ўтди-кетди, — Опа, кўчадаги ўриндиқда ўтирар экан, қўлидаги чўп билан ерга нималарнидир чизиб, ўйга толди.

Унинг бу тушкун кайфиятига тушунолмадим ва хаёлимдан кечган фикрни яшириш учун савол бердим:

— Почвамиз билан севишиб турмуш қурган бўлсангиз керак-а, ёшлигингизни эслаб қолдингиз?

— Ҳамма гап шунда-да, биз севишмаганмиз, шартлашганмиз, холос, — деди у маъюс жилмайиб, — сиздан бекорга йигитингиз борми, деб сўраганим йўқ. Севилиб турмуш қурган маъқул, менимча. Мен ҳаётимдан нолимоқчи эмасман. Шукр, эрим жудаям яхши одам. У кишини ҳурмат қиламан. Аммо севмайман. Болаларимнинг отаси сифатида яхши кўраман, холос. Ўн саккиз йилдан буён бирга яшаб, ҳали «сен-мен»га борганимизни эслай олмайман. Калтак еб, юзим кўкармади. Бир аёл бахтли яшаса менчалик яшар. Тўрт фарзандни биргаликда севинчга тўлиб тарбиялаяпмиз. Бироқ, юрагимдаги бошқага нисбатан бўлган муҳаббат олови ҳеч сўнмаяпти.

Нигора опанинг гапларига қизиқсиниб қолдим.

— Мен қачонлардир севган ва ҳамон севиб келаётган йигитнинг исми — Юсуф. Биз Ангрендаги политехника институтида бир гуруҳда ўқир эдик. Гуруҳдошлар, бизни таниган дўстларимиз «Юсуф ва Зулайҳо» дейишарди. IV курсгача бирга бўлдик. Кейин ҳаммамиз ўз юртимизга амалий машғулотни ўташга кетдик. У мен билан бирга ўтамоқчи эди, аммо отасининг беморлигини ўйлаб ўзи туғилиб ўсган юртга кетди. Амалий машғулот ҳам, таътил ҳам ўтди. Шу вақт давомида Юсуфнинг лоақал бир марта мендан хабар олмаганига ҳайрон бўлдим.

1 сентябрда ҳаммамиз ўқишни бошладик, шунда ҳам Юсуфдан уч-тўрт кун дарак бўлмади. Хавотирлана бошладим. Отаси касаллигини билганим учун, гуруҳдошлар билан вазиятни билиш мақсадида Юсуфларникига сабоқдошлардан бирини жўнатдик.

У қайтиб келиб, мени чеккага чақириб: «Хонангизга юринг, гап бор», деди. Юрагим ёмон хабарни сезаётгандай қаттиқ ура бошлади.

Отаси кўзим очиқлигида тўйингни кўриб қолай, деб бир қариндошининг қизини олиб берибди. Юсуф отасини раъйини қайтаролмай уйланишга мажбур бўлибди. Ҳатто, бирорта гуруҳдошларини тўйга айтолмаптиям. Шунга ҳам уялиб келолмаётган экан.

Мен бу гапларни эшитиб, гангиб қолдим. Ахир, бирор марта ҳам уни ўзимдан айри тасаввур қилиб кўрмаган эдим. Шу куни роса йиғладим. Кейин эса бу дадиллик қаёқдан пайдо бўлди билмайман, ўқишимни Тошкентга кўчирдим.

У кейинчалик янги ўқиш жойимга, ётоғимга кўп келди. «Сени ҳали ҳам севаман, барибир хотиним билан яшамайман, сенга уйланаман», деди. Мен эса тангридан ирода тиладим-да, у билан қайта гаплашмадим. Йиллар ўтиб, ўғилчалик бўлганини эшитиб, ич-ичимдан зил кетдим.

Хўжайинимга эса ўқишни тугатгач, онамнинг қистови билан турмушга чиқдим.

Учинчи фарзандимиз туғилгандан сўнг, тасодифан бир тўйда Юсуфни учратиб қолдим. Кўзимга ўша ерда эрим ҳам, болаларим ҳам, тўйхонадагилар ҳам кўринмади. Мен Юсуфга, у менга тикилиб ўтиравердик. Турмуш ўртоғимнинг: «Нигора, сен уйга болаларни олиб кетавер, мен эса кейинроқ бораман», деган сўзларидан сўнг ўзимга келдим.

Шундан буён юрсам ҳам, турсам ҳам у хаёлимдан кетмайди. Бахтиқора қисматимдан эзиламан. Натижада юрагим сиқиладиган бўлиб қолди. Деярли ҳар йили касалхонада даволанаман. Севишганларни кўрсам, ёр-ёр овозини эшитсам, уни эслайвераман. Ҳинд киноларини-ку йиғламасдан кўролмайман. Турмуш ўртоғим ҳам мени яхши тушунса керак, индамайди.

Опа гапиришдан тўхтаб, оғир хўрсиниб қўйди. Мен бир муддат йиллар юрагидаги ишқ ўтини сўндира олмаган бу мағрур ва андишали аёлга тикилиб қолдим. Шу-шу, хаёлимдан кечганини хулоса ўрнида ёзишга қарор қилдим. Негаки Нигора опа ва Юсуф акаларга ўхшаганлар кўп юртимизда.

Дилимдагини сизга айтаман

Асло ўксинманг, Нигора опа!

Нигора опа, аввало яхши турмуш кечираётган экансиз. Яхшиси, болаларингизга, турмуш ўртоғингизга меҳр-муҳаббат қўйинг. Юсуф акани отасига қарши боролмаганига асло ранжиманг, ўтган муҳаббатингиздан армон қилманг. Чунки, ҳар бир яхши фарзанд аввало оқ сут берган онасини, кейин отасини сўзини икки қилмайди. Агар дунёда севги ва муҳаббат, адолат ва ҳақиқатга эришиш осон бўлса, бунга фарзандларингиз осонликча эришишини умид қилинг. Шундай эмасми, азиз муштарийлар?

Мавлуда АНОРБОЙ қизи,
журналист.

«ОЧИЛГАН ҚЎРИҚМИШ»

Сиз нима дейсиз?

Талабалик йилларимиз эди. Адабиёт домламиз Бобурнинг «Сочининг савдоси тушди, бошима бошдин яна...» матлали ғазалини ўқиб бўлиб, чуқур хўрсиндилар: «— Ҳа, мумтоз шоирларга осон бўлган, паранжи-чачвон орасидан маҳбубасининг кокилинимми ёки ҳиноли бармоқларинимми кўриб қолса, бас, ҳаяжондан илҳом парисининг ўзи шоир эшигини тақиллатиб келаверган. Ҳозирги шўрлик шоирларга қийин. Ёрининг гўзаллиги нафақат ўзининг, балки барчанинг кўз олдида намоён бўлади. Ана энди шоир бечора маҳбубани қандай таърифлашга ҳайрону сарсон...»

Ўшанда курсдош йигитлардан бири «Гўзалликнинг пинҳон бўлгани яхши-да, сирли нарса ҳамиша ўзига чорлаб туради», деганди.

Олий ўқув юртида ўқийдиган жиянимни дугонасини етаклаб келгач, секин қулоғимга: «Наргизани сизга гапи бор экан», дея иккимизни холи қолдириб чиқиб кетди. Наргиза ҳомиладор экан... Бироқ «қаҳрамон» ота боланинг туғилишига қарши эмиш. Мен Наргизага бундай қилмаслигини айтиб, йигит билан зим гаплашишга ваъда бердим. Наргиза Хоразмдан, олийгоҳ ётоқхонасида яшайди. Курсдош дўсти Фарҳод эса қарама-қарши хонада турар экан. Пинҳона кўз уриштиришлар, ошхоналардаги суҳбатлар дўстликка айланибди. Кейинчалик бундай суҳбатлар хонага кўчиб, тонг отгунча давом этадиган бўлибди. Наргизанинг туғилган куни нишонланадиган оқшом эса Фарҳод шу ерда тунаб қолибди...

Наргизага берган ваъдамни устидан чиқиш учун ётоқхонага бордим. Наргиза дарҳол қулоғимга: «Сизга мен ҳеч нарса демаганман», деди.

Фарҳоднинг хонасида узоқ суҳбатлашдик. «Ота-онамга ҳомиладор аёлни нима деб кўрсатаман. Отам, келиб-келиб иффатини сақлолмаган қизни келин қиламанми, демайдиларми. Онамнинг ўзлари кўз остиларига олиб қўйган қизлари бор экан. Ўшандан бошқасини келин қилиб остонамдан ўтказмайман, дейдилар».

Бу гаплар юрагимни тилиб ўтса ҳам ўзимни босдим. Бу гуноҳ ҳар иккаласиники эканлигини, бу енгилтаклик эвазига бегуноҳ норасида қурбон бўлмаслиги кераклигини, унинг уволи ҳар иккисини баравар тутишини айтдим. Фарҳод бепарво қўл силтади. «Уйланиш» дегани сирли бир оламга кириш дегани. Наргизнинг эса менга ҳеч қандай сирли томони йўқ, — деди. Шунда, юқоридаги талабалик йилларимдаги домламизнинг суҳбатлари ёдимга тушди.

Дарҳақиқат, сирли нарса гўзалдир. Ўша паранжи ичида юрган малакнинг биргина табассуми қуёш кўрингани, бегона нигоҳлардан узоқда юрган маъсума дилбарнинг кўзларидаги ҳаёси шоир юрагини чўғ бўлиб куйдиргани, маҳбубаси руҳсорини бир бор кўриш учун ойлаб интизор юргани уни жаннат парисига ҳури ғилмонга тенг билиши ўша сирлиликдан эмасмикин? Ўша пайтларда бировнинг заифасига зино кўзи билан қараганларни тошбўрон қилишган, қиз болани йўлидан адаштирганлар балога учрасин, деган ақида бўлган.

Қани, дейман ўзимга ўзим, қани шарқона адаб, шарқона латофат? Нега энди қизларимиз бунчалик шартаки, аёлларимиз бу қадар дағаллашиб кетишди. Нега энди бир пайтлар Ҳазрат Навоий оёқлари гардини кўзга суртишга тайёр бўлган мўътабар аёлларимиз бизнинг давримизга келиб эркаклар учун «очилган қўриқ»қа айланиб қолишди?- Мен мана шу саволларимга қисман жавобни шу ердан — талабалар ётоқхонасидан топгандай бўлдим.

Водариғ, бировнинг ўн етти-ўн саккиз йил иффат пардасида асраган қизининг бошвоғини йўқотган, ҳали ҳаётдаги бурчини англаб етмаган, мўйлови эндигина сабза уриб, ҳар бир қизга суқланиб қарайдиган қони қайноқ ўспирин билан бир том остида ёнма-ён яшаши ҳеч кимни ташвишга солмаса!..

Ташвишга солади. Бироқ, ноилож, қоида шунақа. Талабалар ётоқхонасида тартиб шунақа. Мусофир шаҳарда бошпана топиляганига шукур қилади улар.

Шундай воқеаларнинг тўрттасига ўзим гувоҳ бўлдим. Биттаси туғилмасиданоқ боласидан воз кечди. Биттаси қишлоғига кетаётганида боласини етимхонада қолдирди. Хайрият, биттасининг тўйи бўлди...

Соғлом авлод учун кураш кетаётган ҳозирги давримизда болалар уйларидаги тирик етимларнинг кўпайишига талабалар ётоқхоналаридаги бемалоллик ҳам сабаб бўлмаётганмикин?

Ўғил болалар билан қиз болалар мактабда бирга ўқисин, олийгоҳда ёнма-ён ўтирсин. Бироқ ётоқхоналарнинг алоҳида-алоҳида бўлиши зарурдай, назаримда.

Қизлар ётоқхонаси йигитлар ётоқхонасидан йироқда бўлса, қизларнинг хатти-ҳаракатлари йигитлар кўзидан нарироқда бўлса, улар ўз суянчиқлари учун янада дилбарроқ, янада гўзалроқ, ақллироқ туюлган қизларимизнинг қадди ҳам, қадри ҳам йигитлар қанотида анча ўсган бўлармиди?

Муҳаббат ҲАМИДОВА,
«Гулхан» ойномаси ходими.

Ижоднинг юлдузли онлари

УМРГА ТАТИГУЛИК АСАР

Ҳурматли муштарий! Сизга маълумки, ижод сеҳрли оламдир. Унга кирган ҳар кимса ул боғда ўз гулини, ўз йўлини яратади. Лекин шу яратганларининг ичида яна ўзига хос чақноқ юлдузлари ҳам бўлади. Бугун бошлаётган рукнимиз худди ана шундай ижоднинг юлдуз асарлари ҳақида. Бугун сўз умрини ўзбек мусиқа тараққиётига бахшида этган республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза ва Бердақ номли Давлат мукофотлари соҳиби бастакор Мутал БУРХОНОВнинг Ўзбекистон Мадҳияси мусиқаси ҳақидадир.

— Аввало Ўзбекистон Мадҳиясининг илк яратилиш тарихи хусусида тўхталсангиз?

— 1946 йилда ҳар бир республикада байроғига хос равишда Мадҳия бўлиши зарурлиги ҳақида гап борди. Шу боис Ўзбекистонда ҳам матн ва мусиқа учун ёпиқ конкурс эълон қилинди. Конкурсга тақдим этилган юзлаб шеърлар орасидан Темур Фаттоҳ асари танлаб олинди. Мусиқалардан эса биракайига уч бастакор — Толибжон Содиқов, Манас Левиев ҳамда мен яратган куй танланди ва давлат комиссияси эътиборига ҳавола этилди. Кечагидек эсимда: қай биримизники ўтишидан қатъи назар, ҳар биримиз маълум даражада зиммамиздаги масъулият залвори анча оғирлашганини тўла ҳис этганмиз. Ўзиям ўн кундан ортиқ муддатда тугатгандим куйини. Иззат Султон бошчилигидаги давлат комиссияси кўригидан ниҳоят менинг мусиқам ўтганди.

— Иккинчи варианти қай йўсинда яратилган?

— Бу ҳодиса ҳозир кўпчиликка маълум, 1978 йили Темур Фаттоҳ томонидан яратилган матндаги Сталиннинг номи олиб ташланиши керак бўлди. Янги матн ёзиш шоир Туроб Тўлага топширилган. Кейин эса ҳар икки матндан ягона Мадҳия ҳосил бўлган эди. Мусиқа эса аввалги — асл ҳолида тўлалигича сақланган.

— Учинчи вариантининг яратилиши ҳам газетхонларни қизиқтиради?

— Ўзингизга маълумки, бу сафар матн бутунлай ўзгартирилди. Абдулла Орипов яратган матн конкурсдан ўтгач, унга мос куй танлаш бошланиб кетди. Конкурсга кўплаб бастакорлар ўз ноталарини тақдим қилдилар. Бир марта эмас, саралаш бир неча марта ўтказилди. Аммо ахийри Абдулла Орипов билан бирга ишлайдиган бўлдик. Матннинг илк нусхасида оҳангга тушмайдиган «маърифат», «аср» каби сўзлар бор эди. Ҳар иккимиз бирга ўйлаб ижод қилдик. «Маърифат» сўзини «илму фан» билан ўзгартирдик. Хуллас, Мадҳия мусиқасининг оҳанги ўз ҳолича сақлаб қолинди. Матн сўзлари куй оҳангига мослаштирилди. Оркестровка қисман ўзгартирилди. Лекин очиғини айтсам, уни қиёмига етказиш учун жуда кўп меҳнат қилдик. Шунинг учун уни шоир ва бастакор ўртасидаги пешона терининг ҳосиласи, дейиш мумкин.

— Чиндан ҳам Ўзбекистон Мадҳияси учун яратган куйингиз ижодингиздаги юлдузли онлар мевасидир. У қарийб умрингиз билан уйғун яшаб келмоқда. Айтинг-чи, сиз бунга қандай эришгансиз?

— Ҳар бир халқнинг ўз мусиқаси бор. Лекин ўзбек халқи бу жиҳатдан энг бой ҳисобланади. Боиси ҳатто кўчманчи халқ эканлигимизга бориб тақалади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун танбур, ғижжак, рубоб чолғу асбобларининг тарихини эслаш кифоя. Қолаверса, шашмақомни эсланг. Унда фарғонача, Хоразм, Бухоро ва яна бир қанча йўллар бор. Йиллар давомида ана шу хазинамиз кези келганда бойиди, кези келганда йўқотилди. Биз — кекса авлод вакиллари қўлимиздан келганча уни бойитишга уриндик. Боиси — 1928 йилда Шердор мадрасасида мусиқа санъати илмий текшириш олийгоҳи бор эди. Ўша йиллар Дони Зокиров билан бирга устозлар фарғоналик найчи Абдуқодир Исмоилов, қўшнайчи Аҳмаджон Умрзоқов, танбурчи Ҳожи Абдураҳмон Умаров, Матюсуф Харратов кабилардан сабоқ олганмиз. Дони ғижжак чаларди, мен эса танбур. Биз ўша устозлардан шашмақомнинг фарғонача, хоразмча, бухороча йўлларини қунт ва меҳр билан ўрганганмиз. Ҳар бир бастакор ўз халқи мусиқасини севиши, нафақат севиши, балки чала билиши лозим.

— Айтинг-чи, Мадҳиянинг мусиқасига мақом оҳанги сингганми?

— Боя айтганимиздек, куйнинг умримга уйғунлашгани боиси ҳам шунда. Баъзилар мақом фақат ғамгинлик, йиғидан иборат, деб тушунадилар. Бу — нотўғри. Чунки бошқа жанрлар қатори мақомнинг ҳам, мусиқанинг ҳам ўзгалар билмайдиган сиру-асрорлари бор. Масалан гардун. Тушунарлироқ қилиб айтсак, интонацияга тўғри келади. Бу деган сўз мақомда ҳам авж пардада инсон ҳис-туйғулари ифодаланади. (Шу ўринда Мутал Бурхонов ўрнидан туриб, пианино ёнига ўтди. Хона узра пианино овози ҳамда бастакор ижросида Мадҳия янги матни жаранглади. Мен 77 ёшдаги бу фидойи санъаткорнинг суҳбатимиз оламига, куй яратилиш тарихига берилганидан ҳамда ўз асарига бу қадар меҳр-муҳаббатидан мамнун эдим. Ва хаёлимда фидойи бастакорга узоқ умр тиладим). Афсус, назаримда, халқимизнинг маданиятини белгилайдиган мусиқа, айниқса, дунёга танитиши мумкин бўлган хор, оркестр жанрларига бефарқлик мавжуд. Албатта, биз буни вақтинчалик ҳол деб тушунамиз, чунки халқимизнинг бой маданияти, санъати, мусиқа олами ҳамиша дунёга маълум ва машҳур. Шундай экан, уни асраш, авайлаш, эҳтиётлаш ва тўлалигича хоҳ қўшиқда бўлсин, хоҳ Мадҳияда бўлсин, келажак авлодларга етказиш ҳар бир бастакорнинг шарафли ва муҳим вазифасидир.

Муқаддас СОЛИҲ қизи суҳбатлашди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ИТ ҚАМОҚХОНАДА ҲАМ... ЯХШИ ЯШАМОҚДА

● АҚШнинг Нью-Жерси штатида яшовчи бир кишининг Тара лақабли ити ёш боланинг лабини тишлаб олгани учун қамоқхонага ташланган. Аслида ит жабрланувчининг ота-онаси хоҳиши ва суд ҳукмига кўра, ўлдирилиши керак эди. Аммо ит соҳибининг талаби ва ити учун махсус адвокат ёллаши натижасида Тара ўлдирилмади-да, қамоққа ташланди. Бироқ, Тара устидан суд мана уч йилдирки давом этмоқда.

Нью-Жерси штати жониворлар ҳуқуқини муҳофаза этиш Ассоциациясининг раиси бу ҳақда шундай дейди: «Нью-Жерсида итлар учун алоҳида қонун мавжуд бўлиб, унга кўра, одамларга ҳужум қилган ва натижада тан жароҳати етказган ёки инсон саломатлигига таъсир этган итлар ўлдирилиши лозим. Шунинг учун ҳам жабрланувчилар унинг ўлдирилишини талаб этмоқдалар. Аммо Тара бутун умри давомида энди биринчи марта одамни қопиши, бунинг устига бола ҳам қараб турмаган, у ҳам ўз ўрнида итни уриб ташлаган. Буни ҳам ҳисобга олиш керак».

Шундай тортишувлар сабаб суд ҳалиям бу ишга хотима ясагани йўқ. Тара қамоқхонада ўтиришни давом эттирмоқда. Лекин унинг яшаши яхши: ўзи учун алоҳида хона, қўшни хоналарда эса қўриқчи итлар яшайди. Таранинг улар билан алоқаси жуда яхши, шунинг учун қўриқчи итларга нима овқат берилса, Тарага ҳам шундай «паёк» берилади. «Судланувчи»нинг бир кунлик овқатига қамоқхона маъмурияти 18 доллар сарфламоқда.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Келгуси сонда:

● БЕШИНЧИ ҚАВАТДА УЧРАШУВ: ШОИР МУҲАММАД ЮСУФ ВА ЁШ ХОНАНДА ДОСТОН УБАЙДУЛЛАЕВ.

● ҲОЗИРГИ ЁШЛАР.

Туркистон бир, ватан бир

ТУРКИСТОН ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

«ФРИДОМ САППОРТ АКТ» — ЎЗБЕКИСТОН—АҚШ ЎРТА МАКТАБ ДАСТУРИ

АҚШ ҳукумати «Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти» дастурини эълон қилиш шарафига муяссардир. Бу дастур АҚШ ҳукумати томонидан моддий таъминланади. Бу халқаро мактаблар дастури бўлиб, ўзбекистонлик ўсмирлар:

АҚШ юқори синфларида ўқиши ва америкалик оилаларда яшашларининг бир йил давомидаги моддий ҳаражатларини АҚШ ҳукумати ўз зиммасига олади. АКСЕЛС жамияти дастур асосида ўқувчилар учун танлов ташкил қилиб, бу танлов Тошкент, Бухоро, Навоий, Наманган, Нукус, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида ўтказилади.

Танловда қатнашувчилардан қуйидагилар талаб қилинади:

— ҳозирги пайтда ўрта мактаб ўқувчиси бўлиши;

— 1977 йил 1 июндан 1979 йил 1 сентябргача туғилганлар;

— охирги беш йил ичида АҚШда уч ойдан ортиқ яшамаган;

— АҚШга боришга виза олиш учун тўсиқ бўладиган сабаб бўлмаслиги;

— қатнашувчилар инглиз тилида ёзишни ва оғзаки нутқни пухта билишлари шарт;

— Ўзбекистон фуқароси бўлишлари лозим.

Агарда сиз танловнинг биринчи босқичида иштирок этишни хоҳласангиз, сизда:

— туғилганлиги ҳақида гувоҳнома;

— уч-тўрт ҳажмдаги бир дона фотосурат;

— қора рангли ёки кўк рангли ручка ҳамда қалам бўлиши керак.

Қўшимча ва махсус маълумотлар олиш учун ҳамда тест-танлов ўтказиладиган жойи ва вақти ҳақида тумандаги қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг:

45-45-66,

45-23-48.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси-27, Ўқувчилар саройи, 5-хона.

Газета саҳифаланаётганда:

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

НОНУШТАГА — ТАРВУЗ

Мактабларнинг 1—5-синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш тўғрисидаги фармон ҳамма жойда ҳам тўлиқ бажарилмаяпти. Иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилаётган айрим хўжалик ва ташкилотлар оталиқларидаги мактабларда номигагина нонушта беряпти. Бандихон туманига қарашли Ойбек номидаги 21-та мактабда нонушта ўрнига тарвуз берилаётганига нима дейсиз? Ўқувчиларнинг нонуштаси учун берилган 2 қоп гуруч, икки яшик макарон, 20 килограмм шакар мактаб ошпази Шерхол Холиқованинг уйига босиб қўйилган. Сабаби — мактабда овқат пишириш, ҳатто чой қайнатишга имконият йўқ эмиш. Вилоят халқ таълими бўлими раҳбарларининг бундай «янгилик»дан хабари бормикан?

ЁНИЛҒИ ЎҒРИЛАРИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Сурхондарё вилоят божхонасининг қўшни Тожикистон билан туташ Гулбаҳор пости ходимлари Бобатоғнинг хилват йўлидан ўтиб бораётган 12 та юк машинасини тўхтатди. Улар етти тонна бензин, 22 тоннадан кўпроқ ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини Тожикистонга олиб кетаётган экан. Текширувда ҳайдовчилар ёнидан бир дона портловчи модда, жанговар ўқи бўлган Калашников автомати ҳам топилди.

— Йил бошидан буён постимиз ҳудудидан ғайриқонуний йўл билан олиб чиқиб кетилаётган 30 миллион сўмлик моддий бойлик ушлаб қолинди, — дейди божхона хизмати лейтенанти Баҳодир Раҳмонов.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **МАЪЛУМОТЛАРГА** қараганда, шу кунгача Россияда СПИДдан 76 киши ўлган. Шунингдек, 682 киши аср ўлатини юқтирган, 124 киши эса бу касалликдан азоб чекмоқда, дейилади маълумотда. Бошқа мамлакатлардаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Масалан, АҚШда 289 000, Францияда 24 000 дан кўпроқ, Испанияда 18 000 киши атрофдагиларга хатар туғдириб яшамоқда.

● **«ПРАВДА»** қайтадан чиқа бошлаганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Лекин унга бўлган ҳуруж ҳануз давом этмоқда. Яқинда таҳририят Москва мэриясидан хат олди. Унда газета «нғвогарона материаллар» чоп этганлиги учун огоҳлантирилади.

● **МОГИЛОВ** ишбилармонларининг казино ва қиморхона очиш тўғрисидаги илтимосини шаҳар ижроия қўмитаси рад этди.

● **3—4 ОКТЯБРДА** Москвада бўлиб ўтган фожеавий воқеаларни ёритган 75 нафар журналистга турли меҳр-шафқат ташкилотлари томонидан 1 миллион сўмдан пул мукофоти берилди.

● **БУ ЙИЛ** Хитойда 12 миллион тонна пиво ишлаб чиқилди. Иш шу суръатда давом этадиган бўлса, ҳадемай у пиво ишлаб чиқаришда АҚШдан кейин дунёда иккинчи ўринга чиқиб олади.

● **РОССИЯ** бошқарув академияси ўзининг икки йиллигини нишонлади. Табиийки, қадаҳ сўзлари бўлди. Аммо... тез орада академия эгаллаб турган бинони тарк этиши керак. Бинога 12 декабрда бўладиган сайловдан сўнг мажлис ва унинг ходимлари ташкил этилажак Федерал жойлашадилар.

● **КОЛИФОРНИЯ** университетида узоқ йиллар ўтказилган тадқиқот натижасини эшитиб, аввалига кўпчилик ишонқирамади. Маълум бўлишича, инсон ўз умрини муайян муддатга узайтириши мумкин экан. Чиндан ҳам шундай. Ўлим тўшагида ётган бемор яқин кишисини кўрмагунича дунё билан ҳайрлашолмай қийналади. Савол туғилади: соғ-саломат одамлар-чи! Улар умрини узайтириши мумкинми!!

● **ҚИРҒИЗИСТОНДА** шу йил август ойида давлат сирларини сақлаш бошқармаси ташкил этилган эди. Куни кеча республика Президенти вазифасини адо этаётган (Президент меҳнат таътилида) Феликс Кулов цензуранинг бекор қилиниши ҳақидаги фармонга имзо чекди.

● **САУДИЯ** Арабистони ва Тайван «Вабо касали хавфи мавжудлигини» инобатга олиб, Покистондан тирик балиқ харид қилишни тўхтатди.

Бундан Покистон катта зарар кўради. Зеро балиқ билан савдо қилиш ҳар йили мамлакатга 6 миллион Америко доллари миқдорида фойда келтирар эди.

● **РОССИЯ** Бош вазири В. Черномирдин Президент Борис Ельциннинг қонуний белгиланган муддатгача вазифасини давом эттириш ниятини жуда тўғри, деб ҳисоблашини айтди. «Мамлакат ва унинг ҳар бир фуқароси олдидаги юксак бурчини тушунган ўта ҳалол, масъулиятли кишигина шундай йўл тутади», деди у.

Спорт

ШАХМАТ МУСОБАҚАСИ ТУГАДИ

Швейцариянинг Люцерн шаҳрида шахмат бўйича командалар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати ўйинларида Ўзбекистон шахматчилари саккизинчи ўринни эгалладилар. Мусобақада сайёранинг барча қитъаларидан 10 та энг яхши терма жамоа биринчилик учун беллашди.

Ўзбекистон терма командаси 9 турдан 16 очко тўплади. АҚШ шахматчилари эса, биринчи марта жаҳон чемпиони бўлдилар. «Кумуш» соврин Украина командасига, «Бронза» — россияликларга насиб этди.

ОСИЁ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг академик эшкак эшиш бўйича спорт усталари Осиё федерациясига қабул қилинди. Академик эшкак эшиш бўйича қитъа бешинчи чемпионатига бағишлаб Сеулда ўтказилган конгрессда шундай қарорга келинди. Мазкур учрашувда минтақада спортнинг ана шу турини ривожлантириш йўллари билан бирга, Марказий Осиёдаги учта мустақил республика — Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистоннинг федерацияга кириши масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Конгресс қатнашчилари 1994 йилда ўтказиладиган Осиё ўйинларида федерацияга янгитдан кирган мамлакатлардан мусобақаларда неча спортчи қатнашиши меъёрини белгиладилар. Ўзбекистон эшкакчилари Японияниnг Хиросима шаҳрида ўтказиладиган спорт анжуманига ўн иккита кишини юборишади. Келгуси йил январь ойи бошида Марказий Осиё биринчилиги мусобақалари ўтказиладиган Исломободдан ҳам Тошкентга таклифнома келди.

(ЎзА).

Адолат қиличи кескир

«Биз албатта ишлаймиз ва яшаймиз»

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ШУНДАЙ ДЕЙИШМОҚДА

Ҳамма жойда бўлгани каби Фарғонада ҳам жиноятчиликка қарши кураш қатъиятлик билан давом этмоқда. Маъмурий идоралар ва, айниқса, милиция ходимларининг саъи-ҳаракатлари туфайли турли хил жиноятчи гуруҳлар, қуролланган шахслар ва фирибгарлар фош этилиб, уларнинг фаолияти юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти. Ўтган уч ой мобайнида ўн бешта ана шундай жиноятчи тўдалар қўлга олиниб, олтмиш нафар зўравон, қўли эгри ва ўта хавфли шахслар ҳибсга олинди. Халқ орасида турли «миш-миш»ларга сабаб бўлиб келган «рекет» ва «мафия»чиларнинг қўлга олинганлиги оддий кишиларнинг милицияга бўлган ишончини оширди.

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги Имомали МИРСОАТОВ билан бизнинг суҳбатимиз шу ҳақда бўлди:

— Имомали ака, Сизни нафақат оддий халқ, балки «жиноятчилар дунёси» ҳам энг топқир изқувар сифатида билишади.

— Шу соҳада иш бошлаганимга яқинда ўн саккиз йил тўлади. Ўшандан бери жиноятчилар билан олишиб келаман. Хизмат вазифамга кўра «жиноятчилар дунёси»да ном қозонган, турмуш тарзидан тортиб, то унинг фаолиятигача сирли бўлган ашаддий шахслар билан бир неча марта тўқнаш келганман.

— Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида олиб борилаётган курашларингиз тўғрисида шов-шув гаплар кучайиб кетганлигидан хабарингиз бўлса керак. Гўё ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Шукрулло Рўзматовга нисбатан суиқасд уюштирилганмиш?..

— Бу атайин ўйлаб топилган гап, холос. Шукрулло Қодировичга нисбатан ҳеч қандай суиқасд уюштирилган эмас. У киши ҳар куни ва ҳар соатда биз билан биргa, курашнинг тепасида турибди. Рўзматовни анойи раҳбарлардан деб ўйлаганлар хато қилишади. Довюрак одам у. Биз изқуварларга мана шунақа раҳбар, ҳамфикр киши бугун сув билан ҳаводек зарур, агар билсангиз.

— Ҳозир вилоятда аҳвол қандай?

— Кураш давом этаяпти. Ёзёвон туманида яшовчи Н. исмли фуқародан «Калашников» тоифасидаги жанговар автоматни, наркотик моддалар, кўп миқдорда пул ва қимматбаҳо буюмларни тортиб олдик. Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи ва «Акбарча» лақаби билан ном чиқарган шахс бошқараётган уюшган жиноятчилар гуруҳи ҳам қўлга олинди. Бизнинг соҳада «бандитизм» деган сўз бор. Бу ўта хавфли, қуролланган ҳолатда босқинчилик қилувчилар — зараркунандалар тўдаси, деган тушунчани англатади. Уч ой ичида ана шундай «бандитизм»нинг учтасини фош қилдик. Бу камдан кам учрайдиган ҳол. Фаолиятимизни вилоят ҳокимлиги, бошқа маъмурий идоралар, энг асосийси — халқ қўллаб турибди. Биз бор имкониятимизни ишга солиб, республика миқёсида бошланган савобли тадбирни қатъий давом эттираверамиз....

Имомали ака билан суҳбатимиз адоғига етиб бораётганида ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, полковник Ш. Рўзматов кириб келди ва ҳар доимгидек кескир, жанговар оҳангда қўшиб қўйди:

— Энди орқага йўл йўқ.

«Улар»нинг куни битганлиги рост бўлсин! Бу ҳаммамизнинг гапимиз...

Рустам бой МУҲАММАД,
«Туркистон»нинг ўз мухбири.

Кейинги пайтларда Сурхондарё вилоятида уюшган жиноятчиликка қарши курашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса Термиз шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари бу борада анчагина ишларни амалга оширди. Рўйхатга олинган жиноятларнинг кўпчилиги очилиб, нопоклик йўлига кирганлар ўз қилмишларига яраша жазоларини олдилар. Бир неча жиноий гуруҳлар қўлга олиниб, улардан ўқотар қуроллар тортиб олинди. Жиноятларнинг ўз вақтида очилишига ички ишлар ходимларига ўргатилган итлар қўл келмоқда.

СУРАТДА: Термиз шаҳар ИИБ ходими кичик сержант Ғайриддин Жовлиев ва Рамазон Оллаёровлар навбатдаги топшириқни бажариш учун отланаётган пайт.

И. ХУЖАЕВ сурати (ЎзА).

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва «Туркистон» газетаси жамоалари Марказқўм масъул ходими У. Ҳайитбоевга отаси

Йўлдош ХАЙИТБОЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир: Ғаффор ҲОТАМОВ.

Таҳрир ҳайъати: М. АБДУСАМАТОВА, А. АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), З. МАМАДАЛИЕВ, Ж. РАЗЗОҚОВ, Қ. РАҲИМОВ, З. РИХСИЕВ (масъул котиб); С. РУСТАМОВ, Б. ЮСУПОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00130. Буюртма Г-643 58353 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 20.30.

1 2 3 4 5 6